

**Таҳририят кенгаши:**

**Х.Б.Юнусов** – СамДВМЧБУ ректори,  
профессор (раис)  
**Ж.А.Азимов** – ҮЗР ФА академиги (аъзо)  
**Б.Т.Норқобилов** – Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш кўмигаси  
раиси (аъзо)  
**А.И.Ятусевич** – РФА академиги (аъзо)  
**Е.Д.Джавадов** – РФА академиги (аъзо)  
**Ю.А.Олдашбаев** – РФА академиги (аъзо)  
**Д.А.Девришов** – РФА мухбир аъзоси (аъзо)  
**С.В.Шабуини** – РФА академиги (аъзо)  
**К.В.Племишов** – РФА мухбир аъзоси (аъзо)  
**С.В.Позубин** – профессор (аъзо)  
**Ш.А.Жабборов** – профессор (аъзо)  
**А.О.Орипов** – профессор (аъзо)

**Таҳир хайъати:**

**Х.Салимов** – профессор  
**Қ.Норбоев** – профессор  
**А.Даминов** – профессор  
**Р.Б.Давлатов** – профессор  
**Б.Бакиров** – профессор  
**Б.М.Эшбуриев** – профессор  
**Н.Б.Дилмуродов** – профессор  
**Ф.Акрамова** – б.ф.д., профессор  
**Б.А.Элмуродов** – профессор  
**А.Г.Гафуров** – профессор  
**Н.Э.Юлдашев** – профессор  
**Х.Б.Ниёзов** – профессор  
**Б.Д.Нарзиев** – профессор  
**Р.Ф.Рӯзиқулов** – профессор  
**А.А.Белко** – ВДВМА доценти  
**Д.И.Федотов** – ВДВМА доценти  
**Х.К.Базаров** – доцент  
**Ш.Х.Қурбонов** – доцент  
**Ж. Б.Юлчиев** – доцент  
**О.Э.Ачилов** – в.ф.д. (PhD)

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:**

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

**Муҳаррир:**

Дилшод Юлдашев

**Дизайнер:**

Хусан САФАРАЛИЕВ

**Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:**

Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш кўмитаси

**Муассислар:**

Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш кўмитаси,  
“AGROZOOVETSERVIS”  
маъсуллияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 2018 йил  
2 февралда 0284-ракам билан рўйхатга олинган

Журнал 2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

**Манзил:** 100070, Тошкент шаҳри,  
Усмон Носир, 22.

**Таҳририят манзили:** 100022, Тошкент шаҳри,  
Қушбеги кўчаси, 22-үй

**Тел.:** 99 307-01-68,

Фақат телеграмм учун **97 770-22-35.**

**E-mail:** zooveterinariya@mail.ru  
www.Vetmed.uz

**Адади 3640. Нашр индекси:1162**

Босишига руҳсат этилди: 27.03.2023.

Бичими 60x84<sup>1/8</sup>. Оффсет усулида чоп  
этиди. 4,25 б.т. Буюргта № .

Баҳоси келишилган нарҳда.

© Veterinariya meditsinasi, #3 (184)2023 “PRINT-  
МАКОН” МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.  
Чилонзор тумани, 25-мавзе,  
47-үй, 45-хонадон.

**Соҳамиз фидойилари**

**А.Алиқулов** – Ўқиган ўзади, касбидан қадр топади..... 3

**Юқумли қасалликлар**

**Б.А.Элмурадов, И.Ю.Султанова** – Қўёнлар колибактериоз ва  
сальмонеллэз аралаш инфекциясида гематологик қўрсаткичлар,  
патологоанатомик ўзгаришлар ва дифференциал  
диагностикаси ..... 5

**Паразитар қасалликлар**

**К.Х.Уроков, Н.И.Маматқурова, Л. Х. Яхшибоева,**  
**А.С.Даминов** – Самарқанд вилояти шароитида турли  
ҳайвонлар орасида эхинококкознинг тарқалиши..... 8

**Z.I.Alikulov, S.M.Aminjonov** – Qo‘ylarning asosiy sestodozlar  
bilan zararlanishi..... 11

**А.Джумамуратов, Б.Қутбаев, О.Алланиязов** – Қорақалпогистон  
шароитида йирик шохли моллар гиподерматоз қасаллигининг  
тери маҳсулотлари сифатига салбий таъсири ва унга қарши  
курашиш чора-тадбирлари..... 13

**Акушерлик ва гинекология**

**В.Н.Zayniddinov, К.Р.Bekmuratov, А.Г‘.Jabborov,**  
**B.Narziyev** – Itlarda qinning chiqib qolishining sabablari va  
operatsiya o‘tkazish texnikasi..... 16

**Анатомия ва патфизиология**

**O.A.Djurayev** – Otlar, parrandalar, go‘shtxo‘r va hammaxo‘r  
hayvonlar jasadlarini patologoanatomik yorib tekshirishdagi  
o‘ziga xos xususiyatlar..... 18

**Ветеринария ва санитария**

**Т.Т.Хатамов, О.Э.Ачилов** – “Биостимвет” препарати  
қўлланилган қўёнлар гўшти сифатига ветеринария-санитария  
жиҳатидан баҳо бериш ..... 21

**Зоогигиена ва озиқлантириш**

**М.И.Каримжонова** – Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда  
хизмат итими маҳсус йўналишда тайёрлаш борасида ҳалқаро  
тажрибалар таҳлили..... 24

**Лаборатория амалиёти**

**U.T.Qarshiyev, Z.M.Yusupova, S.B.Eshburiyev** – Quyonlarda  
kalsiy-fosfor almashinuvি buzilishlarining gematologik  
ko‘rsatkichlari ..... 26

**Т.Қ.Ғазнакулов, М.М.Алламуратова** – Паррандаларнинг  
Ньюкасл қасаллиги ва иммунитет фаоллигини ГАТР  
(гемагглютинацияни тўхтатиш реакцияси) ёрдамида  
ўрганиш натижалари..... 29

**Д.Қ.Юлдошев, Ф.С.Аллашов** – Қўёнлар қонининг  
морфологик ва биокимёвий қўрсаткичлари ..... 32

**Тавсиявий мақола**

**C.У.Туляганов, М.А.Балиев** – Отларнинг миозит қасаллиги  
олдини олиш бўйича умумий тавсиялар..... 34

**Editorial council**

**Kh.B.Yunusov** – rector of Samarkand state university of veterinary medicine, animal husbandry and biotechnology professor (chairman)  
**J.A.Azimov** – UzAS academician (member)  
**B.T. Norkobilov** – Chairman of the Veterinary and Animal Husbandry Development Committee (member)  
**A.I.Yatusevich** – RAS academician (member)  
**E.D.Djavadov** – RAS academician (member)  
**Y.A.Yuldashev** – RAS academician (member)  
**D.A. Devrishov** – RAS correspondent member (member)  
**C.V Shabunin** – RAS academician (member)  
**K.V.Plemishov** – RAS correspondent member (member)  
**S.V.Pozyabin** – professor (member)  
**Sh.A.Jabborov** – professor (member)  
**A.O.Orlov** – professor (member)

**Editorial board**

**C.Salimov** – professor  
**K.Norboev** – professor  
**A.Daminov** – professor  
**R.B. Davlatov** – professor  
**B.Bakirov** – professor  
**B.M. Eshburiev** – professor  
**N.B.Dilmurodov** – professor  
**F.Akramova** – doctor of biology – professor  
**B.A.Elmurodov** – professor  
**A.G.Gafurov** – professor  
**N.E.Yuldashev** – professor  
**Kh.B.Niyazov** – professor  
**B.D.Narziev** – professor  
**R.F.Ruzikulov** – professor  
**A.A.Belko** – associate professor of VSAVM  
**D.I.Fedotov** – associate professor of VSAVM  
**Kh.K.Bazarov** – associate professor  
**Sh.Kh.Kurbanov** – associate professor  
**J.B.Yulchiev** – associate professor  
**O.E.Achilov** – doctor of veterinary (PhD)

**Acting Chief Editor:**

Abdunabi ALIKULOV

**Editors:**

Dilshod YOLDOSHEV

**Designer:**

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

**Initiator and leader of the project:**

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan

**Founders:**

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan,  
“AGROZOOVETSERVIS” Co., Ltd.

**Registered in Uzbekistan Press and News agency by 0284**

**Address:** 22, Usmon Nosir, Tashkent, 100070.

Editorial address: 4, Kushbegi, 22, Tashkent, 100022

Tel.: **99** 307-01-68,

**97** 770-22-35

**E-mail:** zooveterinariya@mail.ru

[www.Vetmed.uz](http://www.Vetmed.uz)

**circulation: 3640. Index: 116**

Permitted for print: 27.03.2023. Format 60x84 1/8  
Printed by Offset printing 4,25 press works Order #

Free price.

© “Veterinariya meditsinasi”, #03 (184) 2023

Printed by “PRINT-MAKON”  
Co., Ltd., Tashkent city.  
47/45, Chilanzar 25 quarter .

**Contagious diseases**

**B.A.Elmuradov, I.Yu.Sultanova** – Pathologoanatomical changes of mixed infection (colibacteriosis and salmonellosis) in rabbits, hematological differentiation of indicators ..... 5

**Parasitic diseases**

**A.S.Daminov, K.Kh.Urokov, N.I.Mamatkulova, L.H.Yakhshiboeva** – Spread of echinococcosis among different animals in the conditions of Samarkand region ..... 8  
**Z.I.Alikulov, S.M.Aminjonov** – Infection of sheep by main cestodes ..... 11  
**A.Djumamuratov, B.Kutbaev, O.Allaniyazov** – The negative impact of hypodermatosis in large horned cattle on leather production and measures to combat it in the conditions of Karakalpakstan ..... 13

**Obstetrics and gynecology**

**B.H.Zayniddinov, K.R.Bekmuratov, A.G.Jabborov, B.Narziyev** – Causes of vaginal prolapse in dogs and technique of operation ..... 16

**Anatomy and pathophysiology**

**O.A.Djurayev** – Features of post-mortem examination of carcasses of horses, birds, carnivores and omnivores ..... 18

**Veterinary and sanitary**

**T.T. Khatamov, O.E. Achilov** – Veterinary-sanitary assessment of the quality of rabbit meat when using the drug “Biostimvet” ..... 21

**Animal hygiene and nutrition**

**M.I.Karimjonova** – Analysis of international experiments in training a service dog in a special direction in law enforcement agencies ..... 24

**Laboratory practice**

**U.T.Karshiyev, Z.M.Yusupova, S.B.Eshburiev** – Hematological indicators of disorders of calcium-phosphorus metabolism in rabbits ..... 26

**T.K. Gaznakulov, M.M. Allamuradova** – Newcastle disease of poultry and results of studying immune response using hemagglutination inhibition reaction ..... 29

**D.K.Yuldashev, F.S.Allashov** – Morphological and biochemical parameters of rabbit blood ..... 32

**Article Recommendation**

**S.U.Tulyaganov, M.A.Baliev** – General recommendations for the prevention of horse myositis ..... 35

## ЎҚИГАН ЎЗАДИ, КАСБИДАН ҚАДР ТОПАДИ

**2023 йил учун нашримиз обуна режасини республикада биринчи бўлиб уddaлаган, эпизоотик тадбирларни бажаришида ҳам бошқаларга ибрат бўлаётган Андижон вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривоҷлантириши бошқармаси бошлиги Дилмурод Қаюмов билан суҳбатлашганда билдики, бошқарма тизимида 41 нафардан ортиқ хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Маълум бўлдики, 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Дилмурод Қаюмов барча аёллару қизларни бир пиёла чой устидаги табриклиди. Шу куни йигитлар ўчоққа ўт қалашиди, дастурхон нозу неъматларга тўлди, момолар дуоси, йигит-қизлар шижсоати билан дошқозондан тошган сумалак кўпчиликка манзур бўлди, кўк сомсалардан татиб кўрган ишхона қоровули ҳам “оо”, деди. Аслида эса ҳар бир юмушида илгору ташаббускор саналган андижонликлар ишилашини ҳам, хордиқ чиқаришу оши пиширишини ҳам жойига қўяди. Дунёнинг қаерида бўлмасин, икки андижонлик учрашиб қолса бас, палов дамланади, суҳбат авжга чиқади. Андижоннинг ўзидағи меҳмондўстликни таърифлашга тил ожиз. Хуллас, шу куни барчаю барча яйради, аҳил жамоадаги байрам кечга қадар давом этди.**

– Хотин-қизларнинг латофати, оқилаю саранжом сарышталиги нафакат оиласда, балки ишхонада ҳам яққол кўзга ташланади. Улар инсофу диёнатни ҳам жойига қўяди, ишхона ободлигини, баракасини ҳам таъмин этади. Ана шу сабабли аёлларимиз, азиз опа-сингилларимизни ҳар қанча мақтасак оз. Жамоамида Нафиса Эгамбердиева, Нилуфар Таджибаева, Махфузга Юлдашева, Мехринисо Холдорова сингари фидойи мутахассислар борлиги учун иш унумдорлиги таъминланаяпти, – дейди Дилмурод Қаюмов. – Бугун эса Наврӯз баҳонасида яна бир йигилишдик. Кўнгилда эзгу тилаклар туғилди. Азиз устозлар, гўзаллик тимсоли санаатмиш хурматли аёллар, заҳматкаш ва билимдон, ветврачликни ҳаётининг мазмунига айлантирган ҳамкаслар барчангизни байрам билан самимий табриклайман. Умрингиз зиёда бўлсин, меҳнатингиз роҳатини кўриб юриш баҳти барчангизга usoq йиллар насиб этсин.

Дилмурод Қаюмов қўмита раиси томонидан ёш мутахассисларга, уларнинг илм олиши, малака оширишига катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади. Андижонда ҳам бу масала кундалик одатга айланган. Бир гурух бўлажак андижонлик ўшларни вилоят ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат махсулотлари хавфсизлиги марказида учратдик. Уларни бошқарма бошлиги билан расмга олдик. Хавфли касалликларга қарши эм-



лаш ишларини самарали ташкил этиш, патматериалларни текширувдан ўтказиш, бу борада шахсий гигиенага қатъий амал қилиш, бу талабларнинг барчаси тажрибали мутахассислар томонидан атрофлича тушунтириб берилди. Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ассистенти Карима Маҳмудова бруцеллэз касаллиги бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бораётганини, бу касаллик ҳайвонлар қатори инсонлар учун ҳам хавфли эканлигини таъкидлаб ўтди. Бўлажак олиманинг эътироф этишича, “Veterinariya meditsinası” журнали олимлар меҳнатини рўёбга чиқариш, малакали ветеринария мутахассисларни тайёрлашда жуда муҳим вазифани бажармоқда.

– Илмий нашр эртанги кун учун йўлланма, хато қилмаслик кафолатидир. Таниқли олимлар, устозлар тавсиялари, илмий мақолалари шу нашрда чоп этилаётган экан, сизу биз албатта шу журнални мунтазам ўқиб боришимиз керак. Бусиз ветврачлик дипломини олиш гўштсиз ош қилишдай гап, – деди Карима Маҳмудова. – Ўзим ўшлигимдан чорвага меҳр кўйдим, ҳайвонларни даволашга киришганман. Озми кўпми тўплаган билим





ва тажрибам бугун илмий-тадқиқотларимда асқотяпти. Азиз талабалар сизларга ҳам илм билан шугулланишини таклиф этаман. Чунки илм инсонни меҳнатсевар қиласди, шу орқали сиз эзгуликка эришасиз.

Кўргонтепа туманида бўлганимизда “Чимён” ветучастка мудири Бобир Фозиев билан “Қосимжон мухаббати” наслчилиук фермер хўжалиги фаолияти билан танишдик. Мавлон Истроилов бош бўлган жамомада меҳнат қиласётган молбоқару сигир согувчи аёллар меҳнатга яраша манфаатдорлик борлигини эътироф этишиди. Ветвачнинг маслаҳатини қонун деб биладиган тадбиркор фермер кейинги уч-тўрт йил ичидаги хориждан 149 бош наслии ғунажинлар олиб келди ва жами чорва бош сонини 270 бошга етказди. Бундан ташқари, ўтган йил аҳолига 70 бошдан ортиқ зотдор букачалар сотилди.

– Зотдор буқани боқиши осон эмас. Бизга ғунажиндан фойда кўпроқ, буқани асосан бўрдоқичиликда тажрибаси бор кишилар олишяпти. Чунки озуқасини етказа олсангиzu жониворни икки йил сақлай билсангиз, 6 миллион сўмлик жонивор 20 миллион сўмга баҳоланади. Ғунажинларни эса сигирга айлантириш орқали ҳам сут, ҳам бузоқ олишга эришяпмиз, дейди Мавлонжон Истроилов. – Фақат битта муаммо бор. Сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантириш учун зарур бўладиган азот таъминоти яхши эмас. Икки марта азот узилиб қолгани

боис Фарғонадаги корхонадан келтирилган зотдор бука уруғлари дюар идишларда ўлиб қолди.

Биз фермерга Тошкентдаги, қўмитага қарашли “O’znschlilik” корхонаси раҳбари Олимжон Маматкуловнинг телефон ракамини бердик. У ишониб-ишонмай гаплашди. Афтидан фермер бу борада кўп марта алданган, одамларга ишончи йўқолган. Хуллас, “O’znschlilik” корхонаси раҳбари азотни ҳам, зотдор бука уруғларини ҳам бир карра етказиб берадиган бўлди. Хизмат фермерга маъкул келса, ҳамкорлик давом этади. Ҳисоб-китоб эса немисча бўлиши лозим. Негаки, насияни ўғри чиқарган.

Фермадаги холат билан танишдик. Сигирлару бузокларнинг холати ёмон эмас, моллар семизгина. Ветвач Бобиржон Фозиев ҳайвонларни касалликка чалинтирмасликка астойдил интилмоқда. Эмламалар таъминотиу сифатида муаммо йўқ.



“Дехқончек” ветучастка мудири Шуҳратбек Жўраев хизмат кўрсатаётган худудда 1400 хонадон бор. Шу қишлоқда яшаётган ёшу қари, ҳатто мол бокмайдиган кишилар ҳам Шуҳратбекни яхши танийди. Чунки у ҳар кун кўчада, хонадонма-хонадон юриб, эл чорвасини даволаш билан машғул. Баъзан ветвачни молбозорда ҳам учратиш мумкин. Бу инсоннинг ўзи ҳам баракадан куруқ қолмай деган ниятда чорва боқаяпти. Айни пайтгача Шуҳратбек қишлоқдаги юз бошдан ортиқ сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантиришга эришди. Насиб этса, йил охирига қадар бу рақам 960 бошдан ошади. Мўлжал шундай.

– Насиб этса, ўзим ҳам фермер хўжалиги ташкил этмоқчиман. Чунки фарзандлар улгаймоқда, эртага набиралар пайдо бўлади, уларни ҳам иш билан банд қилишим керак-да. Балки улар орасидан ўзимга ўхшаган ветвачлар чиқар. Айни чоғда ҳовлимда икки бош сигирим ва бузоқларим бор, – дейди Шуҳратбек Жўраев. – Аслини олганда, ветвач фермерга айланса, фермага Аллоҳнинг баракаси ёғилади. Негаки, тилсиз жониворларни ветвачлардек авайлайдиган инсоннинг ўзи йўқда дунёда.

**Абдунаби Аликулов**



УДК: 619.616.98.1.48-053.2.49.091.5

**Б.А. Элмурадов, илмий раҳбар, в.ф.д.,  
профессор, И.Ю. Султанова, таянч докторант,  
Ветеринария илмий-тадқиқот институти**

## ҚҮЁНЛАР КОЛИБАКТЕРИОЗ ВА САЛЬМОНЕЛЛЁЗ АРАЛАШ ИНФЕКЦИЯСИДА ГЕМАТОЛОГИК КҮРСАТКИЧЛАР, ПАТОЛОГОАНАТОМИК ЎЗГАРИШЛАР ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ДИАГНОСТИКАСИ

### Аннотация

В статье освещены вопросы распространения, клинической диагностики, паталогоанатомических и гематологических изменений у больных кроликов при смешаном течении колибактериоза и сальмонеллеза. Подробно приведены данные по дифференциальной диагностике этих заболеваний при смешанном течении болезней.

**Ключевые слова:** Эксудат, трахея, слизистая оболочка, точечные кровоизлияния, воспаление, лейкопения, эритроцитоз, дистрофия.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳозирги кунда Республикализнинг қүёнчилик фермер хўжаликларида 20 кунликдан 2,5 ойликкача бўлган қүён болалари орасида колибактериоз ва сальмонеллёз юқумли касалликларининг биргалиқда учраши долзарб муаммолардан бири бўлиб, бунда қуёнчаларнинг 65%ни зарарланиб, нобуд бўлиши хўжаликларга катта иқтисодий зарар келтиримоқда.

**Мавзунинг ўрганилганлик дарајаси.** 1884–1885 йилларда америкалик олимлар Salmon ва Smith чўчқаларнинг ичагидан *B. suis* ичагидан *B. enteritidis*ни Гертнер одамлар ва ҳайвонлар организмидан ажратиб ўрганган, ҳозирда *S. enteritidis* номи билан аталади.

*E.coli* юқори токсинга эга бўлиб, ич кетиш билан бирга эндотоксин ҳосил қилиб қонни заҳарлайди ва лейкоцитларга таъсир этиб, лейкопения (лейкоцитлар камайиши) кузатилади. (Н.П.Аланов 1969 й).

Аралаш бактериал касалликлари 1960 йилларда аниқланган бўлиб, ҳозирда 10,9 % ни ташкил этади. Шу пайтгача колибактериоз ва сальмонеллёзнинг йирик шохли ҳайвонлар, майда шохли ҳайвонлар, мўйналилар ва одамлар орасида алоҳида касаллик сифатида ўрганилган. Лекин охирги йилларда бизнинг мамлакатимизда касалликларнинг авж олиши ва аралаш ҳолда тарқалиши хўжаликларга катта иқтисодий зарар олиб келмоқда. Бунинг замирида эса ҳайвонлар резистентлигининг пасайиши, нотўғри парваришлаш ва бокиш, тўйимли озуқаларнинг етишмаслиги, айниқса қуёнлар орасида кўп тарқалиши мавзунинг ўрганилиши лозим бўлган аҳамиятини белгилайди.

Жумладан, аралаш бактериал касалликлар пастереллёз, колибактериоз ва сальмонеллёзнинг тарқалиши, патоморфологияси ва олдини олиш чора-тадбирлари Б.А. Элмурадов томонидан (2018-2020 йиллар) йирик шохли ҳайвонлар, майда шохли ҳайвонлар, паррандаларда ўрганилган ва қишлоқ хўжалиги

### Summary

The article highlights the issues of distribution, clinical diagnostics, pathoanatomic, hematological changes in the blood of patients with mixed course of salmonellosis and colibacteriosis of rabbits. The data on the differential diagnosis of these diseases with a mixed course of the disease are given in detail.

ҳайвонларининг юқумли пастереллёз, колибактериоз ва сальмонеллёз касалликларига карши поливалент ГОА формал вакцинаси тақдим этилган.

**Тадқиқот мақсади:** Ҳозирги кунда кўп сонли қүёнларнинг ўлимига сабаб бўлаётган аралаш колибактериоз ва сальмонеллёзнинг тарқалиб кетаётганлиги туфайли қуёнлар организмида ушбу касалликларнинг тарқалиши, кечиши хусусиятларини ўрганиш, клиник белгилари, гематологик ўзгаришларни аниқлаш, патоморфологик ўзгаришларини ёритиш ҳамда дифференциал диагностикасини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқидир.

### Тадқиқот материаллари ва усуллари:

Ветеринария илмий-тадқиқот институти Микробиология ва Ёш моллар касалликларини ўрганиш лабораторияларида олиб борилган тажрибалар давомида 16 бош қуёнларга уч хил турдаги (1-гурух *E.coli*, 2-гурух *S.enteritidis*, 3-гурух иккала қўзгатувчининг биргалиқда битта организмга *E.coli+S.enteritidis*.) юқтириб қонидаги гематологик ўзгаришлар: эритроцитлар, лейкоцитлар, гемоглобин, эритроцитлар чўкиш тезлиги, қоннинг ивиш тезлиги, қоннинг ретракцияси каби кўрсаткичлари (гемоглобин микдорини – Сали гемометрида, колорометрик усулдан эритроцит ва лейкоцитларни Горяев саноқ тўрида санаб Никитин усулидан, эритроцитларнинг чўкиш тезлиги – Панченков ва қоннинг ивиш вақтини Ли-Увайт усуллари) дан фойдаланилиб, тадқиқот ишлари олиб борилди. Ҳамда паренхиматоз органларида паталогоанатамик ўзгаришлар илмий талқин қилинди.

### Тадқиқот натижалари:

Тажриба қўйилгандан кейин 3-4-кунлари барча қуёнлар қулоқ супрасидан қон намуналари олиниб, гематологик текширишлар олиб борилганда қуйидаги ўзгаришлар кузатилди (1-жадвал).

Текширувлар натижасига кўра, 1-гурух тажриба қуёнларида гемоглобин микдорининг мөъердан 5,9 г/л (ошганлиги) бу қоннинг қуилиб кетишини билди-

*Гематологик текшириши натижалари*

№	Тажрибадаги күёнлар белгиси ва тажриба тури	Гемоглобин (г/л)	Эритроцитлар сони млн/мк	Лейкоцитлар сони, юз минг/мк	ЭЧТ мм			Коннинг уюшиш тезлиги, дақика	Коннинг ретракциясини аниқлаш 24 соатда (2 мл конда)
					30 дақ.	45 дақ.	60 дақ.		
<b>1- E.coli күзғатувчиси юқтирилган тажриба гурухи.</b>									
1	Қора пешанаси оқ	17,0	8,6	5,0	0,3	0,9	1,3	3,0	0,4
2	Кулранг ургочи	18,5	7,9	5,1	0,2	0,7	1,1	3,8	0,4
3	Кулранг әрқак	17,1	8,3	4,9	0,2	0,5	1,0	3,0	0,4
4	Қора думи оқ	17,8	8,5	5,0	0,2	0,8	1,2	3,0	0,3
	Үртача	17,6	8,3	5	0,2	0,7	1,1	3,2	0,4
<b>2- Salmonella күзғатувчиси юқтирилган тажриба гурух</b>									
5	Қора ола	8,1	3,8	11	0,5	1,1	2,1	5,0	0,6
6	Құнғир	8,2	3,9	9,0	0,4	0,9	1,8	5,0	0,5
7	Құнғир рангли әрқак	8,8	3,8	12	0,6	1,2	2,3	4,0	0,6
8	Кулранг	8,0	3,9	11	0,5	1,3	2,5	5,0	0,6
	Үртача	8,2	3,8	10,9	0,5	1,1	2,1	5,0	0,6
<b>3- Salmonella ва E.coli</b> <b>Күзғатувчилари битта организмга аралаш юқтирилган тажриба гурухи</b>									
9	Құнғир рангли	6,6	3,5	12	0,5	1,2	2,1	5,0	0,6
10	Кулранг	8,0	3,7	11,5	0,5	1,1	2,3	4,8	0,7
11	Үқ ургочи	7,0	3,6	12	0,6	1,2	2,2	6,0	0,6
12	Қора ола	6,0	3,5	13	0,7	1,3	2,3	6,3	0,8
	Үртача	6,9	3,5	12,1	0,6	1,2	2,2	5,5	0,7
<b>4. Күзғатувчи юқтирилмаган 4-гурух назорат</b>									
13	Қора-ола	11,7	5,1	7,9	0,3	0,9	1,5	3,9	0,6
14	Қора-ола, түмшуги оқ	11,5	4,8	8,8	0,3	0,9	1,6	4,0	0,5
15	Құнғир	11,6	4,6	9,2	0,2	0,8	1,4	4,0	0,5
16	Оқ пешана, түмшуги қора	11,6	4,6	9,1	0,3	0,9	1,5	4,1	0,5
	Үртача	11,6	4,8	8,7	0,3	0,9	1,5	4	0,5
	Меърида	11,7	4,5-7,5	6,5-9,5	0,3	0,9	1,5	4	0,5

ради. Эритроцитлар миқдорининг 0,8 г/л күпайиши ҳамда лейкоцитлар миқдорининг 4,5 г/л камайиши кузатилиб, қоннинг ивиши миқдори 0,8 дақиқа олдин тезлашганлиги, ЭЧТ (эритроцитлар чўкиш тезлиги) нинг 1,3 мм секинлашганлиги кузатилди ҳамда, ретракция миқдори соатида 0,1 нисбатда камайганлиги аниқланди.

2-гурух қуёнларида гемоглобин миқдорининг меъридан 3,5 г/л га камайиши, эритроцитлар миқдорининг 3,7 г/л га камайиши, яъни лейкоцитлар миқдорининг 1,4 г/л га күпайганлиги, ЭЧТ нинг меъридан 0,6 мм ошганлиги, қоннинг ивиши ҳам меъридан 1,0 дақиқада секинлашганлиги, ретракция миқдорида плазманинг 0,1 нисбатда ошганлиги аниқланди.

3-гурух қүзғатувчилар аралаш юқтирилган тажриба қуёнларида ҳам гемоглобин миқдорининг 4,8 г/л га камайганлиги, эритроцитлар миқдорининг 4 г/л камайиб кетиши, лейкоцитлар миқдорининг 2,6 г/л күпайиши кузатилди. ЭЧТ 2,2 мм кескин тезлашуви, қоннинг уюшиш тезлигининг 5,5 дақиқада секинлашганлиги, ретракция индексининг бир суткада 0,7 нисбатда ошганлиги аниқланди.

Тажриба ишлари олиб борилгандан кейин 4-кундан бошлаб қуёнлар ўлими кузатилди. Барча ўлган қуёнлар паталогоанатомик ёриб кўрилди. Бунда 1-гурух қуёнларининг барчасида асосий ўзгаришлар ошқозон-ичаклар тизимида кузатилган бўлиб, паренхиматоз аъзоларда ўзгаришлар деярли кузатилмади. Бунда ошқозонда нуқтали қон қуйилишлар, озука

таркибида сузмасимон массанинг мавжудлиги яққол намоён бўлди, ингичка ичакларнинг ўткир катарал-геморрагик яллиғланиши, сероз қатламларида фибриннинг тўпланиши кузатилди. Талоқнинг катталашуви ва тўлақонилиги, жигар ҳажмининг катталашуви ва тўлақонилиги, ўт пуфагида ўт суюқлигининг камайиши намоён бўлди.

2-гурух қуёnlари паталогоанатомик ёриб кўрилганда аксарият қуёnlарнинг кўкрак қафасида 15-20 мл суюқлик тўпланиши, ўпканинг бронхопневмонияси, трахея ва бронхларда нуктали қон қуйилишлар, юрак кўйлакчасида сарғимтирик суюқлик тўпланиши, юрак қулоқчаларида нуктали қон қуйилишлар кузатилди. Ошқозон сфинкторларида нуктали қон қуйилишлар, ичакларда бироз газ тўпланиши, ўғон ичакларнинг ингичка ва ўн икки бармоқли ичак сероз пардаларининг экссудатив яллиғланиши, шиллик деворларининг юпқалашуви, масса билан тўлиши аникланди. Талоқнинг дистрофик ўзгаришлари, кучли яллиғланиши (спленит), буйраклар ҳажмининг катталашуви, нуктали қон қуйилишлар, сийдик пуфагининг сийдик билан тўлиши, сийдик пуфагида оқсил чўқмаларининг кўпайиши кузатилди.

3-гурух тажриба қуёnlарида юқоридагиларга нисбатан кескин ва мурраккаб паталогоанатомик ёриб кўрилганда, юрак чап томон инфаркти ва бўшашганлиги, юрак қулоқчасида доғли қон қуйилишлар ҳамда унинг қонли экссудат билан тўлиши, юрак қулоқчасида геморрагик қон қуйилишлар, кесиб кўрилганда миокард ва эндокардда нуктали, доғли қон қуйилишлар кузатилди. Ўпкада геморрагик қон қуйилишлар ривожланиб, ҳажми катталашган ва қон билан тўлган. Трахеяда кўпикли экссудат, нуктали ва доғли қон қуйилишлар ривожланган. Буйрак бўшашган, қон билан тўлган, мағиз қавати ва жомида бир хилдаги умумий геморрагик қон қуйилишлар ҳосил бўлган. Ичакларда газ тўпланиши, геморрагик қон қуйилишлар, экссудация, индурация жараёнларининг кечиши, ичак шиллик пардаларининг фибринли яллиғланиши, ўғон ва кўр ичакларнинг туташган жойида ҳамда апендикс кириш жойида тарик, мош катталигидаги некротик-фибринли тутунлар кузатилди. Юзаси скальпель билан сизиб кўрилганда, фибрин толаларининг йиғилиши аникланди. Ингичка ичак ва ўн икки бармоқли ичакларда доғли қон қуйилишлар ва шиллик қаватининг шишиб, қалинлашуви, тўғри ичакнинг экссудатив яллиғланиши ва шиллик қаватининг калинлашуви, баъзи жойларида шиллик қавати юзасида қулранг-сарғиш тусдаги узун исписимон катарал-фибринли яллиғланишлар мавжудлиги аникланди. Талоқнинг атрофияси, резинасимон бўлиши, турли хил катталигидаги яллиғланишлар ва қорайганлиги, жигар ҳажмининг 2 марта катталашганлиги, қон би-

лан тўлишганлиги, дистрофияси, юзасида кичик доғли ва нуктали некротик ўчоқларнинг ривожланиши кузатилди. Ўт пуфагининг димланиши, ўт суюқлиги билан тўлиши ва катталаниши намоён бўлди. Ошқозон юзаси геморрагик яллиғланган. Ёриб, массаси бўшатиб кўрилганда, ошқозон шиллик қаватининг фибринли ва экссудатив яллиғланиши, бурмаларнинг қалинлашуви аникланди.

#### **Хуносалар:**

1. Колибактериоз ва сальмонеллэз аралаш кўринишида кечганда қуёnlар учун жуда хавфли инфекцион касаллик бўлиб, унинг келиб чиқишига асосий сабаб кўзғатувчиларнинг алиментар йўл билан (озука ва сув) орқали юқишидир.

2. Қуёnlарда колибактериоз ва сальмонеллэзнинг биргаликда кечиши алоҳида учрашига қараганда организмда мураккаб паталогоанатомик ўзгаришлар, яъни ошқозон ва ичакларда катарал, катарал-фибринли ўзгаришлар ҳамда ўпканинг икки томонлама бронхопневмонияси, геморрагияси, экссудатив яллиғланишлар ривожланиши, юрак инфаркти, организмнинг кучли интоксикациясини келтириб чиқаради.

3. Гематологик текширишларга кўра аралаш *E.coli* ва *S.enteritidis* кўзғатувчилари юқтирилган қуёnlарда гемоглобин, эритроцитлар микдорининг меъёридан камайиб кетганлиги (эритропения) га, лейкоцитлар микдорининг 2,6 г/л кўпайиши, ЭЧТ кескин тезлашуви, қон ивишининг секинлашуви бу эса қоннинг суюлиб кетганлигини бирдиради. Ретракция индексининг кўпайиши кузатилган бўлиб, қон зардобининг меъёрдан кўпайиши аникланди. Бундай мураккаб ўзгаришларнинг кузатилиши организм резистентличининг пасайишидан далолат беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абрамов С.С., Коваленок Ю.К., Фетисов И.Н. “Ветеринарные и зоотехнические проблемы в животноводстве и научно-методическое обеспечение учебного процесса и Материалы 2-й международный научно-практический конференции Мн. 1997.- С. 58-60.
2. Зуфаров К.А.ва б. “Практическое руководства по гистологии” 1976 г.
3. Ибадуллаев Ф. “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг патологик анатомияси” Ўзбекистон -2000 й.
4. Леонтюк С.В.и другие “Болезни кроликов” Москва “КОЛОС” 1974 г. С.82-87, 122-125.
5. Меркулов Г.А. Курс “патологистологический техники” Издательство “Медицина” Ленинградского отделение,1976 г.
6. Никитин В.Н. “Гематологический атлас сельскохозяйственных и лабораторных животных”. СЕЛЬХОЗГИЗ, 1956 г. С. 4-30.

А.С.Даминов, илмий раҳбар, в.ф.д., профессор,  
 К.Х.Уроков, асистент, в.ф.ф.д.,(PhD), Н.И.Маматкулова, талаба,  
 Л.Х.Яхшибоева, талаба,  
 Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва  
 биотехнологиялар университети

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ТУРЛИ ҲАЙВОНЛАР ОРАСИДА ЭХИНОКОККОЗНИНГ ТАРҚАЛИШИ

### *Аннотация*

В данной статье приведены краткие литературные данные о распространении эхинококкоза среди коров, овец и коз в некоторых районах Самаркандской области. А также проанализирована зараженность дефинитивного хозяина собак с онкосферами эхинококка.

**Калим сўзлар:** эхинококкоз, антропозооноз цестод, *Exinococcus granulosus* (larva), протосколекс, инвазия интенсивлиги, инвазия экстенсивлиги, биоценоз, онкосфера.

**Мавзунинг долзарбилиги.** Республикамизда кенг миқёсда амалга оширилётган ишлоҳотлар, чорвачиликда қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида гельминтозларнинг эпизоотологик ҳолатини ўрганиш, уларга қарши тақомиллашган кураш чораларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш ҳайвонлар орасида кенг тарқалувчан инвазион касалликлар ва уларнинг оқибатида ҳайвонлар ўлими ва мажбурий сўйилишининг олдини олиш, жойларда гўшт ва сут маҳсулдорлигини оширишга имкон беради. Ҳукуматимиз томонидан аҳоли орасида чорвачиликнинг турли соҳаларини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Аммо ушбу соҳалар ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар кўп. Бундай омиллар қаторида ҳайвонлар орасида учраб турадиган турли юқумли, юқумсиз ва инвазион касалликларни кўрсатишимиш мумкин. Инвазион касалликлар ичida цестодозлар гурухига мансуб эхинококкоз, ценуроз, цистицеркоз каби хавфли гельминтозлар чорвачиликка катта иқтисодий зарар етказиб келмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Эхинококкоз асосий ва оралиқ хўжайнинлар иштироқида кечадиган хавфли гельминтоз бўлиб, антропозооноз гурухига мансуб. Эхинококклар учун ит, бўри, чиябўри, тулки ва бошқа гўштхўрлар асосий хўжайнин, қорамол, кўй, эчки, чўчқа, туя, буғу ҳамда кам ҳолларда отлар оралиқ хўжайнин ҳисобланади. Эхинококкоз билан одамлар ҳам касалланиб, баъзи ҳолларда ушбу касаллик одамларнинг ўлимига сабаб бўлади.

Айрим муаллифларнинг олиб борган шахсий тадқиқотларига кўра, Қозогистоннинг шарқий вилоятида итларнинг *Exinococcus granulosus* билан заарланиши 15,5 фоиз, Алмата вилоятида 40,0 фоиз, жанубий Қозогистонда 68,7 фоизгача заарланган [1]. Шунингдек, Жамбул вилоятида олиб борилган тадқиқотларга кўра, итлар 19,2-42,0 фоизгача заарланган бўлиб, ёшига нисбатан таҳлил қилинганида, бир ёшгача бўлган итлар эхинококклар билан 6,1 фоиз, 7-8 ёшдагилар 10,0 фоиз, яйловлардаги сурув итлари 33,0 фоизгача заарланганлиги,

### *Abstract*

This article provides brief literature data on the spread of echinococcosis among cows, sheep and goats in some areas of the Samarkand region. And also analyzed the infection of the definitive owner of dogs with *Echinococcus oncospheres*.

ёши ўтган сари ушбу паразит билан заарланиш даражасининг ошиб бориши, айрим ҳолларда эса 10-16 ёшгача бўлган итларнинг 100 фоизгача *E.granulosus* га чалинганилиги аниқланган [2].

Тожикистоннинг шимолий минтақасида итларнинг *E.granulosus* билан заарланиши ўртacha 15,0 фоизгача [3], Туркманистанда бу кўрсаткич ўртacha 30,8 фоизгача [4], Қирғизистонда эса 12,0 фоиздан 25,0 фоизгача заарланганлиги муаллифлар томонидан қайд этилган [5].

Ўзбекистоннинг чўл-ялов ва тоголди-тоғ минтақаларида боқилган қўйларнинг 60,0 фоизида [9] Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларидағи хўжаликларда боқиладиган қорамолларда 27,3 фоиз [10], Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида эса жами текширилган 199 бош қорамолнинг 26,1 фоизи, 219 бош қўйнинг 32,0 фоизи ва 41 бош эчкиларнинг 4,9 фоизида эхинококк пулфаклари топилган [11].


Эхинококкоз қўзғатувчиси – *Exinococcus granulosus* нинг барча ривожланиш босқичлари эндоген шароитда кечиши ва унинг тараққиётида умуртқасиз ҳайвонларнинг иштирок этмаслиги барчамизга маълум. Ҳар бир худудда эса паразитнинг оралиқ (қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, одам) ҳамда асосий (итлар ва бошқа айрим гўштхўрлар) хўжайнинлари учрайди. Шу сабабли эхинококкоз республикамизнинг аҳоли яшайдиган барча минтақаларида тарқалиш имкониятига эга. Энг муҳими, асосий хўжайнин ҳисобланувчи итларнинг эхинококклар билан заарланнишида антропоген омил муҳим роль ўйнайди, ушбу омил таъсири эса йилдан-йилга кучайиб, эхинококкоз қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва одамлар орасида кенг тарқалишига олиб келмоқда [6].

Эхинококкознинг эпизоотологияси, эпидемиологияси бошқа трематодоз, нематодозлардан шуниси билан фарқ қиласиди, унга ҳайвон ва одамларнинг касалликка чалинишида чегара бўлмайди [7]. Бу касалликнинг тарқалиши ҳар бир минтақада унга чалинган оралиқ ёки асосий хўжайнинларнинг бир худудда ўзаро биологик боғлиқликда бўлиши сабабdir. Ит организмидаги эхи-



**1-расм. Эхинококкоз билан күчли заарланган қорамол ўпкаси.**

нококк тухумлари етилиб, ташқарига оралиқ хұжайинлар учун юкумли холда тушади ва ташки мұхитда узоқ вакт давомида улардаги юкумли онкосфералар (дастлабки личинкалар) үз ҳаётчанлигини сақтай олади, оралиқ хұжайинларига эхинококк тухумлари ўт, хашак, сув орқали ўтади. Ҳайвонлардаги эхинококк пуфаклари ва унинг ичидә ривожланған протосколекслар итларга заарланған ўпка, жигар ва бошқа заарланған асосий паренхиматоз органлар орқали ўтади. Бу жараёнда ташки мұхитнинг экологик омылларидан фақат антропоген омыл мұхим ўрин тутади. Инсонларнинг эса *E.granulosus (larva)* билан заарланиши асосан, итларни силаганда жунига ёпишиб қолған *E.granulosus* тухумлари, яхши ювилмаган күкатлар ва мева сабзавотлардаги онкосфералари орқали рўй беради.



**2-расм. Эхинококкоз билан заарланған қўй жигари.**

**Тадқиқот материаллари ва услублари.** Тадқиқотлар 2010-2022 йилларда касалланиб нобуд бўлган, мажбурий ёки эхтиёж учун сўйилган қорамол ва қўй, эч-киларнинг жигар ва ўпкаларини гельминтологик ёриш, ҳамда итларни гельминтоооскопик текшириш орқали бажарилди.

**Тадқиқот обьекти ва ҳажми.** Тадқиқотлар Сармарқанд вилояти туманларидаги турли ўшдаги 447 бош қорамол, 93 бош қўй, 23 бош эчки ва 75 бош итларда олиб борилди.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили.** Сармарқанд вилояти шароитида, қорамол, қўй ва эчкиларнинг ларвал цестодлар билан заарланиш даражасини аниқлаш мақсадида, яйловларда бокилиб, мажбуран сўйилаётган қорамол, қўй ва эчкиларнинг ички органлари ҳамда ушбу худудда сақланадиган итлар маҳсус текширишдан ўтказилди.

Текширилган 447 бош қорамолларнинг 108 боши эхинококкозга чалинганилиги аниқланди. Шунга кўра, ушбу касалликнинг инвазия экстенсивлик даражаси 24,4 фоизни ташкил қилди. 32 бош қорамолларнинг ҳар иккала органлари эхинококк пуфаклари билан заарланиши кузатилди. Бу эса эхинококкоз билан заарланған қорамолларнинг 29,6 фоизини ташкил этди. Жигар ва ўпкада эхинококк пуфаклари сони 4 нусхадан 100 нусхагачани ташкил қилди. Уларнинг катталағи ёнгөқ донасидан тортиб янги туғилган чақалоқ бошига teng эди. Бир бош 11 ёшли сигирнинг жигарида 37 нусха, ўпкаларida 12 нусха, ҳар бирининг диаметри 58 см гача бўлган эхинококк пуфаклари топилди. Бундай эхинококк пуфаклари билан заарланған ушбу ҳайвоннинг жигари бир неча маротаба үз ҳажмига катталашиб, ўзига хос хусусиятни деярли йўқотган эди, чунки унинг тўқималарининг 90 фоиздан ортиғи атрофияга учраб, улар ўрнини эхинококк пуфаклари эгаллаган эди (расм-1;2).

Эхинококкозга чалингандай ҳайвонларга нотўғри ташхис қўйиб даволаш, муолажаларини ўтказиш натижасида



**3-расм. Эхинококкозли абсцесс.**

**Самарқанд вилояти туманларида эхинококкозга текширилган ҳайвонлар**

Текширилган ҳайвон тури	бош сони	Касалликка чалинган ҳайвонлар сони	
		сон	фоиз
Қорамол	447	108	24,2
Қўй	93	26	28,0
Эчки	23	3	13,0

мажбурий сўйилган қорамоллар жигаридаги эхинококк пуфакларининг ичи йирингга тўла бўлиб, турли каттатикдаги абсцесслар пайдо бўлган (3-расм).

Кучли даражада эхинококкозга чалинган қорамол оғир жароҳатга бардош бера олмасдан, ётган жойидан туромай қолган ва озғинланиб кетган. Шу холатда у мажбурий сўйилган. Ушбу ҳайвон организмидаги эхинококк пуфаклари бир неча йил давомида аста-секин ривожланиб, унинг ҳажми янги туғилган чақалоқ бошининг ҳажмига тенг бўлган. Бундай эхинококк пуфакларини морфологик жиҳатдан ўрганганимизда улардаги суюқлик ичидаги ҳаракатчан протосколекслар мавжуд эканлиги аниқланди. Шунга кўра, улар морфологик жиҳатдан *E.veterinorum* га тегишли эканлиги маълум бўлди.

Текширишдан ўтказилган жами 447 бош қорамолдан 108 боши эхинококкозга чалинган бўлиб, 24,2 фоизни, кўйларнинг 93 бошидан 26 бошида эхинококк пуфаклари топилган бўлиб, 28,0 фоизни, шундан 8 бошида ёки 8,6 фоизида эхинококк пуфаклари фақат ўпкаларда, 7 бошида эса жигаридаги топилган бўлса, қолган 11 бош кўйларда ҳар иккала органининг заарлланганлиги аниқланди. Топилган пуфакларнинг диаметри 1 см дан то 9,1 см гача бўлиб, морфологик жиҳатдан уларнинг 57,7 фоизи *E.veterinorum*, 32,7 фоизи *E.honunis* ва қолган 11,5 фоизи эса *E.acerthalosysticus* га тегишли эканлиги маълум бўлди.

Текширишдан ўтказилган 23 бош эчкиларнинг 3 бошида ёки 13,0 фоизида эхинококк пуфаклари топилди. Эхинококк пуфакларининг сони кўйларда эчкиларга нисбатан бир мунча кам даражада учраши маълум бўлди.

Эхинококкоз одамлар орасида кенг тарқалган, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлардан ҳисобланади. Чунки Н.О.Мамышевнинг маълумотларига қараганда, Ўзбекистон шароитида эхинококкозга чалиниш инсонлар орасида ҳар 100 минг кишига 6-9 нафар тўғри келиб, Самарқанд вилояти шароитида ҳар йили ўргача ҳисобда 350-360 нафар киши жарроҳлик йўли билан даволаниши ҳақида маълумотлар берган [8].

Тадқиқотларимизда эхинококкознинг асосий хўжайини 75 бош итларнинг тезак намуналарини Фюллеборн ва Дарлин усулларида гельминтокопрологик текширувдан ўтказганимизда, уларнинг 35 бошида эхинококкоз тухумлари (онкосфераси) топилди, яъни заарланиш дарражаси 46,7 фоизга тенг бўлди. Шулардан 8 бошида вояга етган *E.granulosus* нинг онкосфераси топилган бўлиб, инвазия экстенсивлиги 10,6 фоизни ташкил килди.

**Хулоса:** 1. Самарқанд вилояти туманларида ҳайвонлар орасида эхинококкоз кенг тарқалган бўлиб, инвазия

экстенсивлиги қорамолларда 24,2 фоиз, кўйларда 28,0 фоиз, эчкиларда 13,0 фоизни ташкил этади.

2. Вилоят туманларида итларни *E.granulosus* билан заарланиши 46,7 фоизни ташкил этди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Кереев Я.М., Тулеев Х.М. Антропогенные факторы, влияющие на распространение эхинококкоза в г. Алматы. Сб.н.тр. КазНИВИ. 1999. С. 118-126.
2. Казакбаев К.М., Усенбаев А.Э. и др. Гельминтофауна собак Жамбулской области Казахстана. Мат.конф. ВИГИС. «Теория и практика борьбы с паразитарными болезнями (зоонозы)». 2002. Вып.3. с. 145-146.
3. Муминов А.М., Махмадов Ф.И., Шодмонов И.С. 2004. Эхинококкоз у людей и животных в Таджикистане. В кн.: Эхинококкоз в Центральной Азии: проблемы и решение. стр. 20-24.
4. Абдурасулов А. Опыт борьбы с ценурозом. Ж-л «Сельское хозяйство Туркменистана» 1998. №1-2, с. 31-32.
5. Аныварбеков К.К., Шакиров А.Б., Касымбеков Б.К. Эхинококкоз животных в Киргизстане. Мат.док.научной конф. «Теория и практика борьбы с паразитарными болезнями», ВОГ. ВИГИС. М 2001. С. 9-11.
6. Даминов, А. С., Уроков К.Х., Маматқулова Н. И. Самарқанд вилоятининг қорамоллари орасида трематодоз ва эхинококкозни тарқалиш динамикаси. *Вестник Ветеринарии и Животноводства*, 1(1) (2021).
7. Даминов, А. С., Уроков К.Х., Маматқулова Н. И. Динамика распространения trematodozov и эхинококкозов в Самаркандской области. *Анналы Румынского общества клеточной биологии*, 5181-5185. (2021).
8. Мамышева Н.О. и др. «Проблемы эхинококкоза» // «Ветеринария». - Тошкент, 2020. - №8. С. - 7 - 8.
9. Аминжонов Ш.М. “Ҳайвонларнинг асосий цестодозлари ва уларга қарши иммунопрофилактика тадбирларини ишлаб чиқиш” Вет.фан.док.дис... . автореф. - Самарқанд: СамВМИ, 2018. – 22 б.
10. Фойипова М.Э. Зарафшон воҳаси йирик шоҳли ҳайвонлари (BOS TAURUS DOM.) нинг гельминтлари фаунаси, тарқалиши ва экологияси // Вет.фан.фалс.док (PhD) дисс. авторефериати Самарқанд. – 2019 12, 22 б.
11. Ҳақбердиев П.С., Турсункулов А.Р. «Ҳайвонларнинг ларваль цестодозлари ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари» // Зооветеринария. Тошкент, 2020. – №8. – б. 21-22.

UDK: 619:636.3:576.89

**Alikulov Zoxid Inadulla o‘g‘li, tayanch doktorant,  
Aminjonov Sherzod Mirabosovich, v.f.d., ilmiy raxbar;  
Veterinariya ilmiy-tadqiqot instituti**

## QO‘YLARNING ASOSIY SESTODOZLAR BILAN ZARARLANISHI

### Аннотация

В статье описаны результаты научных исследований, проведенных в убойных пунктах города Ташкента, с целью изучения уровня зараженности эхинококкозом и цистицеркозом, которые являются основными цestодозами овец, а также краткие сведения об этих заболеваниях.

**Kalitso‘zlar:** sestodoz, exinokokkoz, sistiserkoz, senuroz, onkosfera, teniya.

**Mavzuning dolzarbliji.** Respublikamiz aholisini sifatli chorvachilik mahsulotlari bilan ta’minlashda qo‘ychilik tarmog‘ining o‘rni muhim ahamiyat kasb etadi. Ammo qo‘ylar orasida uchraydigan invazion kasalliklar sohaning rivojlanishiga to‘sinqlik qilmoqda. Jumladan, invazion kasalliklar orasida exinokokkoz, senuroz, sistiserkoz kabi asosiy sestodozlar muhim o‘rin tutadi. Ushbu kasalliklarning qo‘zg‘atuvchilari hayvonlar va odamlarning jigar, o‘pka, bosh miya, charvi va boshqa muhim ichki a‘zolarini zararlaydi. Oxirgi yillarda yuzaga kelgan qo‘ychilikka ixtisoslashgan xo‘jaliklarning faoliyat yuritish shakli va sohadagi turli salbiy o‘zgarishlar, ularning kasalliklarga qarshi tabiiy chidamliligi pasayishiga olib keldi. Shuningdek, saqlash sharoitlari va boshqa omillar tufayli, jumladan gelmintozlar, ularning epizootologiyasida o‘zgarishlar sodir bo‘lmoqda. Ularga qarshi davolash-profilaktika vositalarini takomillashtirish, yangi, hozirgi zamon talablarga mos keladigan chora-tadbirlar tizimlarini ishlab chiqish va oldini olishda iqtisodiy samarador usullarni yaratish hamda qo‘llash taqozo etildi.

**Exinokokkoz** – gelmintoz kasallik bo‘lib, u *Echinococcus granulosus*ning lichinkalik bosqichi bo‘lmish exinokokk pufaklarining barcha tur hayvonlar va odamlarning ichki azolarida (jigar, o‘pka, taloq, buyrak, va boshq.) parazitlik qilishi natijasida kelib chiqadi. Kasallik hayvonning oriqlashi, kamqonlik va mahsulorlikning kamayishi bilan tavsiflanadi.

Exinokokkoz dunyoning juda ko‘p mamlakatlarida, ayniqsa Markaziy Osiyo davlatlarida, keng tarqalgan zooantropozoonoz kasalliklar guruhiga mansub bo‘lib, exinokokkoz bilan barcha qishloq xo‘jalik hayvonlari hamda odamlar ham kasallanadi [3].

### Summary

In the article, the results of scientific research conducted in Tashkent city aviaries in order to study the level of infection with echinococcosis and cysticercosis, which are the main cestodoses of sheep, as well as brief information about these diseases are described.

Hayvon va odamlarni exinokokkoz bilan zararlanishida it va mushuklar muhim o‘rin tutadi. Qishloq xo‘jalik hayvonlarining zararlangan parenximatotz organlarini iste’mol qilgan it, mushuk va boshqa go‘shtxo‘r hayvonlar exinokokklar bilan zararlansa, odamlar esa exinokokk tuxumlari bilan ifloslangan turli ko‘kat va sabzovotlarni iste’mol qilganda, shuningdek it va mushuklar yungini silagan vaqtida ularning anal teshigi orqali chiqib, teri qoplamasи, ayniqsa junlariga yopishgan exinokokk tuxumlari bilan zararlanib, kasallikka chalinadi. It, mushuk va boshqa go‘shtxo‘r hayvonlar exinokokkozning asosiy xo‘jayini hisoblanadi, qishloq xo‘jalik hayvonlari va odamlar esa oraliq xo‘jain vazifasini bajaradi [1,5].

Hayvonlar invaziya oqibatida kuchli oriqlaydi hamda kasallikning davomiyligini ta’minlaydi, odamlar esa jarrohlik yo‘li bilan exinokokdan holi bo‘lishi ammo umrbod nogiron bo‘lib qolishi mumkin. Shu sababli ham kasallik epidemiologik ahamiyat kasb etadi [2,5].

**Sistiserkoz** – subklinik ko‘rinishda kechuvchi antropozoonoz sestodoz bo‘lib, qo‘y, qoramol va cho‘chalarning muskullari, diafragmasi, tili, jag‘ muskullarida va ko‘pincha charvisida parazitlik qiladi. Kasallik organizmning allergik javob qaytarilishi bilan xarakterlanadi. Kasallikning boshlang‘ich (o‘tkir) davrida oshqozon-ichak faoliyatining buzilishi (ich ketish), tana haroratining ko‘tarilishi, holsizlanish, qorin devorini paypaslaganda og‘riq sezishi kuzatiladi. Keyingi davrda klinik belgilar sezilmaydi, hayvon oriqlab borishi hamda ko‘rinadigan shilliq pardalarining qonsizlanishi kuzatiladi [2,4].

Qo‘ylarda sistiserkoz tasma (lenta) shaklida bo‘lib (*Taenia ovis*) qo‘zg‘atuvchining asosiy xo‘jayini hisoblangan it, bo‘ri, shoqol va tulkilarning asosan ichki ichagida rivojlanib, voyaga yetadi. Voyaga yet-

gan parazit hayvonlar tezagi bilan minglab tuxumlar saqlovchi yetilgan bo‘g‘inlar ajraladi. Bazan bo‘g‘inlar ichaklarda yoriladi va tezak bilan parazit tuxumlari ham chiqadi. Chiqqan bo‘g‘inlar harakat qilib, yorilib tashqi muhitga tuhumlarni tarqatadi. Oralig‘ xo‘jayin hisoblanuvchi qo‘ylar teniya bo‘g‘in va tuxumlari bilan zararlangan ozuqa va ichimlik suv orgali kasallanadi. Oshqozon-ichak tizimiga tushgan teniya tuxumlarida nonkosfera ajralib chiqib, ingichka ichakning shilliq pardasini teshib, kapilyar qon tomirlariga o‘tadi va qon-limfa oqimi bilan muskul to‘qimalari, yurak, diafragma, charvi, chaynash muskullari, til hamda parenximatoz organlarga borib joylashadi va rivojlanib, 3 oydan keyin sistiserk pufagini hosil qiladi.[2,3]

It, bo‘ri, shoqol va tulkilalar sistiserk pufagini istemol qilib zararlanadi va parazit 2-5 oy ichida jinsiy voyaga yetgan shaklga aylanib, organizmda ko‘p yil yashashga qodir.

**Tadqiqotning maqsadi.** Qo‘ylarning asosiy sestodozlar bilan zararlanish darajasini aniqlash maqsadida Toshkent shahrida joylashgan shaxsiy kushxonalar da so‘yilayotgan qo‘ylarning parenximatoz organlarini (jigar, o‘pka, yurak, taloq, charvi va bosh.) tekshirib, kasallikning tarqalish darajasini o‘rganishdan iboradir.

**Tadqiqot obyekti va usullari.** Tadqiqotlarimiz Toshkent shahar tumanlarida joylashgan “Status tubarro” MCHJ, “Biznessfenikss” MCHJ va “Halolgo‘shtservis” MCHJga qarashli mayda shoxli hayvonlarni

so‘yishga mo‘ljallangan maydonchalarida so‘yilgan 1-3 yoshli qo‘ylarda olib borildi. Tadqiqotlar davomida so‘yilgan qo‘ylar K.I.Skryabinning to‘liq gelmintologik yorish usullari bilan yorib ko‘rildi va topilgan gelmintlarda kameral tekshirishlar olib borildi.

**Tadqiqot natijalari.** 1-jadvalda aks keltirilganidek, “Status tuborro” MChJ ga qarashli kushxonada jami tekshirilgan 183 bosh qo‘ylarning 32 boshi, yani 17,4% exinokokkoz bilan zararlanganligi aniqlandi. Tekshirishlar davomida 16 bosh, yani 8,7% qo‘ylar charvisidan sistiserk pufagi topildi. Umumiylar 183 bosh qo‘ydan 48 bosh, yani 26,2% qo‘ylarning sestodozlar bilan zararlanganligi tekshirishlar davomida aniqlandi.

“Bizness fenikss” MCHJga qarashli kushxonada tadqiqotlar olib borganimizda jami 146 bosh so‘yilgan qo‘ylarning parenximatoz organlari tekshirildi. Tekshirishlar davomida 26 bosh (17,8%) qo‘yda exinokok pufagi topildi. Bundan tashqari, 12 bosh (8,2%) qo‘y sistiserkoz bilan zararlanganligi ma’lum bo‘ldi. Tekshirilgan 146 bosh qo‘ydan 38 boshi, ya’ni 26% qo‘ylar sestodozlar bilan zararlanganligi aniqlandi.

“Halol go‘shtservis” MCHJga qarashli kushxona da tadqiqot ishlarimiz davomida 147 bosh so‘yilgan qo‘ylarning jigar, o‘pka, yurak, taloq, charvi va boshqa organlari tekshirildi. Tadqiqotlar davomida tekshirilgan qo‘ylardan 29 boshida, ya’ni 19,7% da exinokok pufagi topildi. Tadqiqotlarimiz davomida 14 bosh (9,5%) qo‘ylar sistiserkoz bilan zararlanganligi aniqlandi. Jami

**1-jadval.**

*Kushxonalarda so‘yilgan qo‘ylarning sestodozlar bilan zararlanganligi*

T/r	Kushxonalar nomi	Tekshirilgan qo‘ylar soni	n=476					
			Exinokokk		Sistiserk		Sestodozlar bilan umumiylar zararlanish	
			n=	%	n=	%	n=	%
1	“Statustubarro” MCHJ	183	32	17,4	16	8,7	48	26,2
2	“Bizness fenikss” MCHJ	146	26	17,8	12	8,2	38	26
3	“Halol go‘shtservis” MCHJ	147	29	19,7	14	9,5	43	29,2
Jami		476	87	18,2	42	8,8	129	27,1

43 bosh 29,2% qo'ylar sestodozlar bilan zararlanganligi malum bo'ldi.

Toshkent shahrida joylashgan shaxsiy kushxonalarida jami 476 bosh so'yilgan qo'ylar to'liq gelmintologik yorish usulida tekshirildi. Tekshirilgan qo'ylarning 87 boshi (18,2%) exinokokkoz bilan zararlanganligi ma'lum bo'ldi. So'yilgan qo'ylarning 42 boshida yani (8,8%) da sistiserk pufagi topildi. Umumiy tekshirilgan 476 bosh qo'ylardan 129 bosh (27,1%) qo'ylar sestodozlar bilan zararlanganligi ma'lum bo'ldi.

### Xulosalar.

Tadqiqotlar davomida Toshkent shahridagi 3 ta kushxonada jami 476 bosh so'yilgan qo'ylar K.I.Skryabinning to'liq gelmintologik yorish usullari bilan tekshirilganda 87 boshi (18,2%) exinokokkoz bilan, 42 boshida ya'nii (8,8%) da sistiserkoz bilan, jami 129 bosh (27,1%) qo'ylar sestodozlar bilan zararlanganligi aniqlandi.

**УДК 636.093**

Bugungi kunda qo'ylar orasida sestodozlarning keng tarqalishiga asosiy sabab, xo'jaliklarda kasallikka qarshi profilaktik chora-tadbirlarning yetarlicha tashkil etilmaganligi bilan izohlash mumkin.

Kasalliklarning oldini olishda sog'lomlashadirish tadbirlarini qo'llashni keng joriy etish, qo'ychilik xo'jaliklarda cho'pon itlarini o'z vaqtida gijjasizlantirib turish maqsadga muvofiqdir.

### Foydalanoligan adabiyotlar ro'yxati:

1. Аминжонов М.А. "Ценуроз", Монография. Тошкент 2009.
2. Аминжонов Ш.М. "Хайвон ва одамларда цист эхинококози-гидатидози ва уларга қарши чоратадбирлар", Монография. Тошкент 2012.
3. Бессонов А.С. "Цистный эхинококоз и гидатидоз", Монография. Москва 2007.
4. Бессонов А.С. "Тениоз Taenia solium-цистицеркоз". Монография. Москва 1996.
5. Орипов А.О., Давлатов Р.Б., Йўлдошев Н.Э. "Ветеринария гельминтологияси". Ўкув кўлланма. Тошкент 2016.

**А. Джумамуратов, в.ф.н.,**

**Б. Қутбаев, ассистент,**

**О.Алланиязов, ассистент,**

**Қорақалпоғистон қишилоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ЙИРИК ШОХЛИ МОЛЛАР ГИПОДЕРМАТОЗ КАСАЛЛИГИНИНГ ТЕРИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИГА САЛЬБИЙ ТАЪСИРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРАТАДБИРЛАРИ

### Аннотация

В данной статье приведены причины возникновения болезни, отрицательные влияния на организм животного, меры борьбы по предотвращению инвазии а также нежелательные факторы влияющие на производства качественного кожевенного сырья.

**Калим сўзлар:** Гиподерматоз, энтомоз, *Hypoderma bovis*, *Hypoderma lineatum*, ивомек, ивермектин, ивер, баймек, рустомектин, негувон N.

**Касалликнинг тарихи.** Марказий Осиёда В.И.Курчатов, Е.С.Калмыкова, К.М.Елисеев, О.П.Перзиднов, А.М.Кривко каби тадқиқотчилар қорамол гиподерматозининг тарқалишига оид текширувлар ўтказишган.

Л.Ф.Ромишева, А.П.Камарли, А.Т.Жунушов, У.Я.Ўзоков, Г.С.Каримова, Н.Х.Енилеева, Н.А.Нозирмуҳамедов, Р.Г.Маликов, Х.А.Ахунов, Х.М.Муйдинов, Ш.Б.Баратов ва бошқалар касаллик қўзғатувчиларининг биологияси-

ни ўрганишиб, қатор илмий янгиликлар баён килишган. Хусусан, И.К.Агаев, Х.Т.Джуммиев, Г.И.Глотова ва А.С.Муйдиновлар бўкаларнинг турлари бўйича тадқиқотлар ўтказишган.

Марказий Осиё шароитида тери ости бўкаларига қарши курашишнинг чора-тадбирлар мажмуи Е.Н.Павловский, А.А.Поляков, У.Я.Ўзоков, Х.А.Ахунов, Н.Х.Енилеева, Х.М.Муйдинов ва бошқалар томонидан ишлаб чикилган.

### Abstract

This article presents the causes of occurrence, negative effects on the animal's body, measures to prevent invasion, as well as undesirable factors affecting the production of high-quality leather raw materials.

**Қоңыршылдың молларнинг гиподерматоз касаллигига клиник  
күриқдан ўтқазиш натижалари**

т/р	Тұманлар	Күриқдан ўтқазилған моллар сони	Шундан касаллик аникланған моллар сони	%
1	Түрткүл	5000	1650	33
2	Элликқалъя	4000	1350	33,8
3	Беруний	4500	1470	32,7
4	Амударё	6000	1980	33,0
5	Тахиатош	2300	870	37,8
6	Хўжайли	4700	1600	34,0
7	Қонликўл	3400	1280	37,6
8	Шуманой	2700	1000	37,0
9	Кунгирот	5600	2100	37,5
10	Муйноқ	4500	1760	39,1
11	Нукус тумани	3700	1250	33,8
12	Кегайли	5700	2150	37,7
13	Бозатов	6500	2550	39,2
14	Чимбай	5900	2100	35,6
15	Қораузак	4600	1690	36,7
16	Тахтақўпир	5300	2080	39,2
17	Нукус ш.	1500	400	26,7
	<b>Жами:</b>	<b>75900</b>	<b>27280</b>	<b>35,9</b>

Йирик шохли моллар гиподерматози сурункалы оқимда кечувчи энтомоз касаллиги бўлиб, у Hypoderma авлодига мансуб ҳашарот личинкалари ҳайвонларнинг тери ости кле-чаткасида, орка мия ва қизилўнгачда паразитлик қилиши оқибатида кўзгатилиб, касаллик яллиғланиш жараёнлари, умумий заҳарланиш, аллергик реакциялар ва безовталаниш оқибатида маҳсулдорлик пасайиши ҳамда тери сифати ва баҳосининг кескин тушиб кетиши билан характерланади.

Йирик шохли моллар гиподерматози Қоракалпоғистон Республикаси Орол бўйи худудларида тери ости бўқаларининг икки турли (*Hypoderma bovis* ва *Hypoderma lineatum*) оддий ва қизилўнгач личинкаларининг паразитлик қилиши оқибатида келиб чиқадиган мавсумий касаллик хисобланади. Корамолларнинг касаллик билан зарарланиши баҳор фаслиниң ўргаси ва ёз фаслиниң бошига тўғри келади – айнан ўша пайт тери ости бўқаларидан тухум кўйишга тайёр вояга етган паразитлар чиқади.

Тери ости бўқалари тўлиқ босқичда ривожланувчи ҳашаротлар гурухига кириб, уларнинг тўла ривожланиши йил бўйи давом этади. Гумбаклардан ҳашаротларнинг чиқиши жуда тез, 2-3 сонияда содир бўлиб, 30-80 сониядан кейин улар учади. Етук ҳашаротлар 3-10 кун, баъзан паст ҳароратда 28 кунгача яшайди. Етук ҳашаротлар қуёшли кунлари ҳаво ҳарорати 6-8 °C да, туманли ҳаво ҳарорати 13-14 °C бўлганда учади. Эркак ҳашаротлар ҳар йили бир жойда тўпланишади, одатда жуфтлашиш учун ургочи бўқалар уларни излаб топади. Қўшилиш жараённи тугагандан сўнг ургочи бўқалар тухум кўйиш учун учиб кетади. Оддий тери ости бўқалари куннинг қуёшли соатларида +14-15 градусдан паст бўлмаган ҳароратда фаоллашиб, ҳайвонларни излайди. Қизилўнгач бўқаси эса +4-7 градус ҳароратда ҳам тухум кўйиши мумкин.

Оддий тери ости бўқаларининг имаголари подани айланниб, ҳайвонларни таъқиб қиласи ва ўзидан маҳсус овоз чиқаради. Ҳайвонлар бу таъқибдан кучли безовталаниб, бўқаларнинг хужумидан кутилишга ҳаракат қиласи. Қизилўнгач бўқаси эса секинлик билан, овоз чиқармасдан, сездирмасдан ҳайвон танасига кўниб, жун қатламига тухум кўяди. *Hypoderma bovis* бўқалари ҳар бир жун толасига биттадан тухум кўйса, *Hypoderma lineatum* бўқаси эса 5-20 тагача тухум кўяди. Ургочи бўқалар ўта серпушт бўлиб, 800 тагача тухум кўяди. Оддий тери ости бўқасининг тухумида личинкалар 3-7 кунда, қизилўнгач бўқасининг тухумида эса личинкалар 3-6 кунда шаклланади. Тухумдан чиқкан личинкалар ҳайвон терисини тешиб, танасига киради. *Hypoderma bovis* личинкалари йирик томирлар, нерв толаси бўйлаб умуртқага, унинг тешниклари орқали орқа миянинг ёғ тўқималарига кириб олади, *Hypoderma lineatum* личинкалари эса қизилўнгач томон ҳаракат қиласи ва унинг шиллик парда ости қаватига жойлашиб олади. Личинкалар орқа мия канали ва қизилўнгачда 5-6 ойгача ривожланади, ўсади. Сўнгра личинкалар ҳайвонларнинг елка, бел соҳасида биринтирувчи тўқимали пўстлоқ (капсула) ҳосил қиласи. Бўқаларнинг ривожланиши давом этиши учун атмосфера кислороди зарур бўлади ва личинкалар терини тешади. Сўнгра 1-8 кун ўтгач туллайди ва иккичи босқичдаги личинкага айланади, 56 кунгача яшайди, кейинчалик яна бир маротаба туллаб, учинчи босқичдаги личинкага айланади. Учинчи босқичдаги личинкалар тери остида пўстлоқдан чиқади, тери тешиги орқали ерга тушади ва гумбакка айланади. Гумбакнинг ривожланиши 20-40 кунгача чўзилади. Гумбакдан вояга етган ҳашаротлар чиқади.

Касалликка диагноз комплекс усулда кўйилади:

эпизоотологик маълумотларга асосланади; касалликнинг клиник белгилари, этиологик қўрик ва патанатомик ўзгаришларига қараб ҳамда кўзғатувчиларни топиш асосида қўйилади. Этиологик диагноз, ҳайвон организмидаги паразитлик қиласати 2- ва 3- босқич личинкаларининг тўпланган жойларини пайпаслаш усули орқали аниқланади. Бу текширув декабрь ойидан бошлаб ўтказилиши керак, чунки шу вақтда келиб личинкалар хайвоннинг бел областига етиб, у ерда турли катталикдаги тери ости тугунчаларни ҳосил қилган бўлади, март-апрель ойларида эса тугунчалар катталашиб, марказида тешикча-окма ҳосил бўлади ва диагноз аниқ бўлади.

Бундан ташқари, иммунобиологик реакция (БГАР) қўйиб, унинг натижасига асосланаб ҳам диагноз қўйиш мумкин. Аллергик реакция тери ости личинкаларидан таёrlанган биологик материалдан тери остига юбориши орқали ва 5-6 соатдан сўнг теридаги ўзига ҳос калинлашиш – синаманинг ижобийлигини кўрсатади.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, бўка личинкалари касал хайвон организмидаги кучли токсик хусусиятли, инсон организмига сут ва гўшт маҳсулоти орқали тушиши мумкин бўлган – гиподермотоксин ишлаб чиқаради.

Йирик шохли молларнинг гиподерматоз касаллиги тери маҳсулотларини ишлаб чиқаришда улар сифати кескин камайишига сабаб бўлади, жумладан, касалланган хайвонлар териси бўйин соҳасидан ёнбош соҳасигача, ён томонларидан қорин соҳасигача бўкалар билан зарарланганлигини аниқлаш мумкин. Бу ҳолатлар терининг 60 % гача юзасида тешиклар пайдо бўлишига олиб келади ва терини қайта ишлаш пайтида унинг ўиртилиб кетишига сабаб бўлади, натижада тери яроқсиз ҳолга келиб қолади.

**Материаллар ва усуллар.** Касалликка клиник текшириш ишлари олиб борилганда, қўйидаги натижалар олинди: Тўрткўл туманида текширилган 5000 бошдан, 1650 бош 33 % касалланган. Элликкальда 4000 бошдан 1350 бош, 33,8 %. Берунийда 4500 бошдан 1470 бош, 32,7 %. Амударёда 6000 бошдан 1980 бош, 33,0 %. Тахиатошда 2300 бошдан 870 бош, 33,0 %. Хўжайлида 4700 бошдан 1600 бош, 34,0 %. Қонлиқўлда 3400 бошдан 1280 бош, 37,6 %. Шуманойда 2700 бошдан 1000 бош, 37,0 %. Кўнгиротда 5600 бошдан 2100 бош, 37,5 %. Мўйноқда 4500 бошдан 1760 бош, 39,1 %. Нукус туманида 3700 бошдан 1250 бош, 33,8 %. Кегайлида 5700 бошдан 2150 бош, 37,7 %. Бозатовда 6500 бошдан 2550 бош, 39,2 %. Чимбойда 5900 бошдан 2100 бош, 35,6 %. Қораузакда 4600 бошдан 1690 бош, 36,7 %. Тахтакўпирда 5300 бошдан 2080 бош, 39,2 %. Нукус шаҳрида 1500 бошдан 400 бош, 26,7 % йирик шохли моллар касалланганлиги аниқланган. Жами Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 75900 бош йирик шохли моллар касалликка клиник қўриқдан ўтказилиб, шундан 27280 бош 35,9 % моллар касалланганлиги аниқланган.

**Даволаш, олдини олиш ва қарши қурашиш.** Бизнинг шароитимизда қорамолларнинг гиподерматозига қарши муолажа декабрь ойида ўтказилиб, барча хайвонларга ишлов берилади. Сўнгра 45 кун ўтгач, хайвонлар клиник қўриқдан ўтказилиб, зарарланганлари даволанади.

Даволашда “Ивомек”, “Ивермектин”, “Ивер”, “Баймек”, “Рустомектин”, “Негувон N” каби препаратлар ишлатилади.

“Ивомек”, “Ивермектин”, “Ивер”, “Баймек”, “Рустомектин” препаратлари 0,2 мг/кг микдорда 1% ли эритма шаклида тери остига инъекция қилинади.

“Негувон N” эритмаси (Германиянинг “Байер” фирмаси маҳсулоти) ҳайвоннинг тирик оғирлиги 150-200 кг гача бўлса - 12 мл, 200-400 кг. гача бўлса – 18 мл ва 400 кг. дан ортиқ бўлса, 24 мл микдорда шприцларга тортиб олиниб, босим билан умуртқа погонасининг икки ён томони бўйлаб, курак суягидан то думғазасигача сепилади. Даволаш курси бир маротаба бўлиб, самарадорлиги 100 фоизни ташкил қиласади.

Бўкалар билан заарланган ва четдан келтирилган ҳайвонларга гиподерматозга қарши ишлов берилгандан сўнг уларни яловга ҳайдаш талаб этилади.

Қорамолларнинг гиподерматоз касаллигининг олдини олишда биринчи навбатда урғочи ҳашоратларнинг актив учиш вақтида тухум қўймаслиги учун апрель ойининг иккинчи ярмидан то август ойининг охирига-ча ҳайвонларни ҳар 15 кунда бир маротаба инсектицид циперметрин, эктомин дорилари билан чўмилтириш; иккинчидан, агарда қорамоллар заарланган бўлса, биринчи босқичдаги личинкалар орқа мияга етиб бормаслиги учун ҳайвонларга ивомек, баймек каби дорилар билан ишлов берилиши шарт. Учинчидан, бизнинг шароитимизда декабрь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб ҳўжаликдаги барча қорамоллар ветеринария қўригидан ўтказилиши шарт. Агарда, ҳайвонларнинг умуртқа погонасида, орқаси, белида, тугунчалар аниқланса, негувон N препарати билан даволовчи дозада ишлов берилиши шарт. Бу муддат кечикирилса, бўкалар терини тешиб қўйиши ва уни яроқсиз ҳолга келтириши мумкин.

**Хулоса ва таклифлар.** Юкорида баён қилинган чора-тадбирлар режа асосида амалга оширилса, касаллик келиб чиқишининг олди олинади, келиб чиккан тақдирда ҳам тезда бартараф этилиб, сифатли озиқ-овқат ва хомашё маҳсулотларини олишга имкон яратилади. Шунингдек, республикамиз чарм саноатини сифатли ва ракобатбардош хомашё маҳсулотлари билан таъминлашга имкон яратилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абуладзе К.И. //Паразитология и инвазионные болезни сельхоз животных /Москва, ВО Агропромиздат, 1990.
2. Н. М. Алтухов, В. И. Афанасьев, Б. А. Башкиров и др. Краткий справочник ветеринарного врача. Москва Агропромиздат, 1990.
3. Ҳақбердиев П.С. //Паразитология фанидан амалий машғулотлар бўйича услугий қўлланма/ Самарқанд, 2010 йил.
4. Тайлоқов Т.И., Ҳақбердиев П.С. “Паразитология фанидан амалий дастури” Самарқанд, 2019.
5. Интернет маълумотлари.

Narziyev Baxtiyor Daliyevich, v.f.n, professor, ilmiy rahbar,  
Zayniddinov Bahriiddin Husniddin o'g'li, magistrant,  
Bekmuratov Kurbanbay Raxat uli, magistrant,  
Jabborov Abbasjon G'afforjonovich, assistant,  
SamDVMCHBU

## ITLARDA QINNING CHIQIB QOLISHI SABABLARI VA OPERATSIYA O'TKAZISH TEXNIKASI

### Аннотация

В данной статье представлены результаты научных исследований, проведенных по лечению выпадение влагалища, являющегося одним из заболеваний репродуктивных органов собак, помимо консервативных методов, приведен оперативный метод, лечения и техника операции.

*Kalit so'zlar: vagina, Molos guruhi itlari, bulldog, furatsillin, Shmiden-Lamber choki, infiltratsion anesteziya.*

**Mavzuning dolzarbliji.** Mamlakatimiz sarhadlarida tinchlik va osoyishtalikni saqlash, terrorizm, qurol va portlovchi moddalar hamda narkotiklarning respublikamiz huddiga kirishining oldini olish, jinoyatchilik va aholi tinchligini saqlashda kuch salohiyatiga ega strukturalarda kinologiya va xizmat itlarining vazifalari beqiyosdir. Bugungi kunda mamlakatimizning qurolli kuchlari chegara qo'shinlariда, bojxona xizmatida, davlat xavfsizligi xizmatlarida, respublika va viloyat IIB hamda favqulotda xizmatlar vazirliklarda kinologiya xizmatlari va kinologiya pitomniklari tashkil etilgan bo'lib, ularda xizmat itlarini ko'paytirish, o'rgatish va xizmat xususiyatlarini oshirish bo'yicha tadbirlar muntazam o'tkazib kelinmoqda. Yuqorida keltirilgan ma'lumotlar shuni ko'rsatadi, kuch salohiyatiga ega bo'lgan strukturalarning xizmat itlari va aholi qaramog'ida saqlanadigan itlarning salomatligini saqlash, kasalliklarini davolash va oldini olish hamda insonlarni zooantropoz kasalliklardan himoya qilish veterinariya mutaxassislarining muhim vazifalaridan biri hisoblanadi [1,7]. Veterinariya meditsinasini amaliyotida urg'ochi itlar qin devorining giperplaziysi kabi asorat bilan bog'liq bo'lgan itlarda qinning chiqib qolishi yoki eversiyasi holatlari ko'p uchraydi. Ular Osiyo va Kavkaz ovcharkalari, fransuz bulldoglari va Molos guruhining itlariga tashqi o'xshashlik belgilariiga ega bo'lgan itlarda qayd etilgan. Ko'pincha bu patologiya yosh itlarda birinchi yoki ikkinchi kuyikish davrida kuzatilgan [2,8].

**Tadqiqot materiallari va usullar.** Tadqiqotlar Samarqand davlat veterinariya meditsinası, chorvachilik va bioteknologiyalar universiteti, Veterinariya jarrohligi va akusherlik kafedrasi qoshidagi veterinariya klinikasida, universitet variyisida, Samarqand shahridagi aholi qaramog'ida itlarda o'tkazildi. Tadqiqot obyekti sifatida klinikaga keltirilgan qinning chiqib qolishi bilan kasallangan itlar va ularning qon namunalari olindi. Tadqiqotning maqsadi itlarda qin chiqishining aniq va erta tashxis usullarini qo'llash va etiopatogenezini o'rganish, kasallikning davolash usullarini takomillashtirishdan iborat.

**Olingan natijalar tahlili.** Qinning chiqib qolishi bo'yicha olib borilgan tajribalar va itlarda qin chiqib qolishining tarqalishi bo'yicha o'tkazilgan dispanserlash natijasida mamlakatimizda itlar orasida bu kasallikning uchrashi yosh itlarda, asosan birinchi va ikkinchi kuyikish vaqtida kuzatilib, eng ko'p kasallanan 1 yoshli itlarda qayd etildi. Qini chiqib qolgan itlarning 70-75% i hayoti davomida umuman tug'magan yoki bir marta tuqqan itlar ekanligi klinik

### Abstract

This article presents the results of scientific research conducted on the treatment of vaginal prolapse, which is one of the diseases of the reproductive organs of dogs, in addition to conservative methods, surgical treatment and surgical techniques.

tekshirishlar va anamnez ma'lumotlarida o'z isbotini topdi [1,9].

Urg'ochi itlarda uchraydigan qin giperplaziysi va uning chiqishi kasalligi asosan itlarning kuyikish davrida yuzaga keladi. Itlarda fiziologik holatda kuyikish davri 12-20 kunni tashkil etib, bu jarayon ikki bosqichdan: proesterus va metesterus davrlaridan iborat. Ushbu jarayonda organizmda ishlab chiqariladigan jinsiy gormonlar miqdori hamda uni stimullovchi boshqa gormonlarning faoliyatiga bog'liq bo'lib, proesterus, ya'ni jinsiy kuyikishning boshlanish davrida, itlar qini shilliq pardalaridan qizil rangli qonsimon suyuqlik oqishi bilan xarakterlanadi. Kasallikning asosiy etiologik omili sifatida urg'ochilik jinsiy gormonlari konsentrasiyasining yuqori bo'lishi natijasida kuyikishning proesterus davrida qin dahlizi devori muskullarining gipertonusi, giperemiyasi va shilliq suyuqliklar bilan bo'kishi, qizarishi, shishi yuzaga kelishi bilan xarakterlanadi. Shu bilan birgalikda kasallik itlarning saqlash, oziqlantirish sharoti va matision darajasiga ham bog'liq holatda rivojlanadi [1,11].

Veterinariya jarrohligi va akusherlik kafedrasi qoshidagi klinikaga Samarqand shahar aholisi qaramog'ida itlarda qinning chiqib qolishi kuzatilgan itlarda konservativ usulda davolash choralar foyda bermaganda operatsiya qilib davolandi.

**Anatomo-topografik ma'lumotlar.** Qin (vagina) muskul nayi ko'rinishidagi toq organ bo'lib, itlarda ancha uzun, ya'ni qin dahliziga nisbatan ikki barobar uzun bo'lib, qinning shilliq pardasi bo'ylama muskullarga yig'ilgan. Qin devori shilliq parda, muskul qavat va zardob parda yoki biriktiruvchi to'qimali adventitsiyadan tuzilgan. Shilliq pardasi ko'p qavatli yassi epitely to'qimadan tashkil topgan va chuqur bo'ylama burmalarga yig'ilgan bo'ladi. Muskul qavati silliq muskul tolalarining ichki aylana va tashqi bo'ylama tutamlaridan iborat. Faqatgina qinning oldingi qismi zardob parda bilan, qolgan hamma qismi biriktiruvchi to'qimali adventitsiya bilan qoplangan [3].

**Ko'rsatma.** Itlarda qinning chiqib qolishi (inversio vaginae s prolapses vaginaea) ikki xil: qin devorining qisman chiqib qolishi hamda qinning to'liq chiqishi ko'rinishida bo'ladi. Qinning qisman chiqishida konservativ usullar samara berishi mumkin ammo, to'liq chiqib qolishda operatsiya qilish zarur bo'ladi [4,6].

**Fiksatsiya.** It tishlashining oldini olish uchun ularning tumshug'iga kiygiziladigan maxsus burundiq (namordnik) kiygizilib, uni og'zini dokali bint bilan bog'lanadi. Birinchi bo'lib bintni oddiy tuguni jag' oralig'ida, keyin uning uchlarini



**1-rasm. Qin devorini dezinfeksiya qilish.**



**2-rasm. Qin devorini mahalliy og'riqsizlantirish.**



**3-rasm. Qin devori plastikasini o'tkazish.**



**4-rasm. Jarohatni choklash.**

bir marta aylantirib, ensa tomonga qarab to‘g‘rilaydi va ularning uchlarini bir-biriga ilmoqchali qilib bog‘lanadi. Undan so‘ng itni operatsiya stoliga yon tomoni bilan yotqiziladi [5].

**Tayyorgarlik.** Qin devorining tashqariga chiqib qolgan qismi furatsillinning 1:5000 nisbatdagi eritmasi bilan yuvildi va yodning spirtdagi eritmasi bilan dezinfeksiya qilinadi (1-rasm).

**O‘g‘riqsizlantirish.** Itlarda dastlab premedikatsiya qo‘llaniladi. Premedikatsiya – narkozdan 15-20 minut oldin itning katta kichikligiga qarab 0,1% li atropin eritmasi 0,5-5 ml miqdorda teriostiga yoki muskul orasiga yuboriladi. Shundan keyin 2,5% li aminazin eritmasidan har 10 kg tirik vaznga 1 ml miqdorida va unga 1 ml “Xyla” preparatidan qo‘sib yuboriladi. Bundan tashqari 0,5 % li novakain eritmasi bilan infiltratsion og‘riqsizlantirish olib boriladi [5,10].

**Operatsiya texnikasi.** Qinning tashqariga chiqqan qisida yaxshilab dezinfeksiya o‘tkazilgach, siyidik yo‘liga toza steril kateter yuboriladi. Bu bilan siyidik pufagini bo‘shatiladi va operatsiya vaqtida ortiqcha noqulayliklarni bartaraf etiladi, so‘ng qin juda shishgan bo‘lsa qinning chiqib qolgan qisimini 10-15 daqiqa massaj qilish yo‘li bilan uning yumshashiga erishiladi. Shundan so‘ng 0.5 % li novakain eritmasi bilan infiltratsion anesteziya o‘tkaziladi va xirurgik qaychi yordamida qin devori ohistalik bilan aylanasisimon qisqartirilib boriladi (3-rasm). E’tiborli jihat shundan iboratki, qin devorining ortiqcha chiqib qolgan qismi kesilishi bilan darhol jarohatga Shmiden choki qo‘yib borilishi maqsadga muvofiqdir (4-rasm). Aks holda, hayvon juda ko‘p miqdorda qon yo‘qotishi va operatsiya muvaffaqiyatsiz yakunlanishi mumkin. Shmiden chokidan qo‘yilgach, Lamber choki ham qo‘yiladi va choklarning mustahkam ekanligiga ishonch hosil qilish lozim. Qin devorining ortiqcha qismi olib tashlangach, barmoq yordamida o‘z joyiga kirgiziladi va uning to‘g‘ri joylashganligi barmoqlar yordamida tekshiriladi.

Klinikaga keltirilgan 6 bosh qini to‘liq chiqib qolgan itni ikkita guruhga (3 boshdan) ajratib olib operatsiya usulida davolanganidan so‘ng birinchi guruh itlarga operatsiyadan keyingi davolash kursi sifatida vikasol preparatidan 1 ml, 10% li gentamitsin preparatidan 1 ml dan 5 kun mobaynida va qin devoriga surtish uchun sintomitsin malhamidan kuniga 2 mahal 7 kun mobaynida tavsiya qilindi va ushbu itlarning qinidagi jarohat 10 kunda to‘liq bitganligi aniqlandi.

Ikkinci guruh itlarga ham xuddi birinchi guruhdagisi itlaridagidek davolash sxemasi qo‘llanildi, faqat sintomitsin malhamining o‘rniga levomikol malhami qo‘llanildi. Buning natijasida itlar jarohatining tuzalish vaqt 15 kunni tashkil qildi. Ikkala holatda ham itlar ma’lum vaqtidan so‘ng kuyikishga kelganligi va tug‘ish qobiliyatini saqlab qolganligi kuzatildi.

### Xulosalar.

1. Qinning chiqib qolishi itlarda birinchi kuyikish davrida kuzatiladi.

2. Urg‘ochi itlarda qinning chiqib qolishi ularning reproduktiv salomatliga katta salbiy ta’sir ko‘rsatib, ulardan zot olishda qiyinchilik tug‘diradi.

3. Itlar qinining chiqib qolishining oldini olish maqsadida ularni to‘g‘ri oziqlantirish, vaqtida sayr qildirish va semirib ketishiga yo‘l qo‘ymaslik choralarini ko‘rish tavsiya etiladi.

4. Itlarda qinning to‘liq chiqib qolishida qin devorining plastikasi operatsiyasini o‘tkazish yaxshi natija beradi.

5. Operatsiya o‘tkazilgan itlar qinidagi jarohatni davolashda sintomitsin malhamidan foydalanish jarohatning bish muddatini qisqartiradi.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Narziyev.B.D. “Itlarda operatsiya jarayonida umumiyoq og‘riqsizlantirishni qo‘llash.” barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali, (2022) 2(1), 306-309.

2. Скубко О.Р., Хонин Г.А., Шушакова О.Н. Омский государственный аграрный университет имени П.А. Столыпина, Омск «Морфофункциональное обоснование парацервикальной блокады для лечения выпадения влагалища при гиперплазии его слизистой у собак».

3. Dilmurodov N.B., Eshmatov G.X. “Hayvonlar anatomiyasi” O‘quv qo‘llanma, Toshkent 2018

4. Eshburiyev B.M. “Veterinariya akusherligi” darslik, Toshkent 2018

5. Рустамов Х.К., Оқбутаев Я.О., Нарзиев Б.Д. «Оператив хирургия», Самарканд 1997

6. Yulchiyev, J. B., & Narziyev, B. D. (2022). Influence of Sex Hormones in Dogs on the Development of Breast Tumors. International journal of biological engineering and agriculture, 1(5), 7-9.

7.Ходжаев, А. Б., Нарзиев, Б. Д., & Юлчиев, Ж. Б. (2021). Влияние половых гормонов собак на развитие опухолей в Самаркандской области.

8. Скубко Р. Омский государственный аграрный университет имени П.А. Столыпина, Омск «Способ внутриоперационной блокады тазового сплетения у домашних собак и кошки».

9. Юлчиев, Дж. Б., Мирсаидова Р. Р. (2021). Метод химической терапии опухолей молочной железы у собак в Самарканде. Американский журнал ветеринарных наук и открытый дикой природы , 3 (03), 15-18.

10. Нарзиев, Б. Д., Бобоноров, О., & Расулова, Н. (2009). Самарканд шаҳрида итлар орасида ўсмаларнинг тарқалиши ва уларнинг олдини олиш.“. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари” СамҚҲИ, 153-154

11. Юлчиев, Ж. Б., & Мирсаидова, Р. Р. (2021). The changes of blood parameters in chemical therapy of breast tumors of dogs. Вестник Ветеринарии и Животноводства, 1(2).

## OTLAR, PARRANDALAR, GO'SHTXO'R VA HAMMAXO'R HAYVONLAR JASADLARINI PATOLOGOANATOMIK YORIB TEKSHIRISHDAGI O'ZIGA XOS XUSUSIYATLAR

### Аннотация

*В статье приведены данные об особенностях патологоанатомического вскрытия трупов и исследованиях органов лошадей, птиц, плотоядных и всеядных животных. Освещены сведения по методике извлечения и исследования органов с учетом особенностей их анатомического строения и профиля нозологических форм.*

**Kalit so'zlar:** otlar, parrandalar, cho'chqalar, itlar, mo'ynali hayvonlar, yorib tekshirish tartibi va usullari, tashqi va ichki ko'rik, ko'krak qafasi, qorin bo'shlig'i, ichki a'zolar, morfologik o'zgarishlar.

Mazkur hayvonlar va parrandalarning jasadini yorib tekshirishda ularning anatomik tuzilishi va kasalliklarning shakllariga qarab, ichki a'zolarni ajratib olish va tekshirish usullari va tartibini o'zgartirish lozim bo'ladi.

Otlarning jasadi orqasi bilan o'ng yonbosh tomoniga yotqizilib yoriladi va bunda dastlab chap old va orqa oyoqlar ajratib tashlanadi. Qorin bo'shlig'ini ochish uchun oq chiziqning chap tomonidan bitta bo'ylama va qorin devorida ikkita ko'ndalang kesimlar qilinadi. Meteorizm va o'limdan keyingi shishishlarda ichaklarni teshib qo'ymaslik uchun qorin devorining bo'ylama kesimini juda ehtiyyot bo'lib bajarish kerak, chunki bunday holatlarda qorin bo'shlig'ida bir necha atmosferaga teng bosim hosil bo'lishi mumkin.

Qorin bo'shlig'idagi a'zolarni chiqarib olishda qulaylik yaratish uchun dastlab katta chambaraksimon ichakning tos qismi jasadning o'ng tomoniga tortib qo'yiladi, so'ngra paypaslab o'n ikki barmoq va kichik chambaraksimon ichaklar orasida joylashgan payni topib, kesib tashlanadi. Shundan keyin ichak tutqichlarni ushlab turuvchi biriktiruvchi to'qimali kletchatka qo'llar bilan uziladi, oshqozondan chiqish joyidan 20 sm qoldirilib, o'n ikki barmoq ichak kesiladi va kesilgan uchlari bog'lanadi. O'n ikki barmoq ichakning kesilgan joyidan boshlab ichak tutqichlarini (брюжейка) kesib borib, ingichka ichaklar bo'limi birgalikda ajratiladi. Yonbosh ichakni ko'r ichakka tushadigan joyidan 15-20 sm qoldirib kesiladi va kesilgan uchlari bog'lanadi.

Ko'r ichakning ampulasimon kengayish joyida uning ichidagi axlat massalari qo'l bilan suriladi va kesib olinadi. Kichik chambar ichak tutqichlaridan ajratiladi va katta chambar ichakning oshqozonsimon kengayish joyiga 15-20 sm yetmasdan kesiladi. Ko'r va chambar ichaklarni ajratib olishdan oldin ularning orasidagi g'ovak biriktiruvchi to'qimali kletchatkani

### Annotation

*The article presents data on the features of the autopsy of corpses and studies of the organs of horses, birds, carnivores and omnivores. Information on the method of extraction and examination of organs is covered, taking into account the peculiarities of their anatomical structure and the profile of nosological forms.*

ajratish, so'ngra tutqichlarni hamda katta chambar ichak va oshqozon devori orasidagi g'ovak kletchatkani kesish lozim. Bunda old tutqich arteriyasi va uning tarmoqlariga diqqat qaratish kerak, chunki otlarda ko'pincha mazkur qon tomirlarining anevrizma va trombozлari uchraydi.

Oshqozon, taloq, o'n ikki barmoq ichak va oshqozonosti bezi bilan birgalikda ajratib olinadi. Biroq, taloqning hajmi kattalashgan bo'lsa, uni alohida kesib olish kerak. Buning uchun taloqning o'tmas tomonidan ushlab, tortiladi hamda diafragma, oshqozon va chap buyrak bilan ulangan paylar kesiladi.

Jigarni diafragma va o'ng buyrak bilan bog'lab turgan paylarni kesgandan keyin qorin bo'shlig'idan ajratib olinadi. Jigarni taloq, oshqozon, oshqozonosti bezi va o'n ikki barmoq ichak bilan ham ajratib olish mumkin. Bunday usulda o't yo'lining umumiy va oshqozonosti bezining asosiy irmoqlaridagi o'zgarishlarni aniqlash imkoniyati kengayadi.

Bundan tashqari, otlarning jasadini yorib tekshirish uchun K. G. Bol usuli ham mavjud. Bunda ingichka ichaklar bo'limini ajratib olish yonbosh ichakdan boshlanadi, qizilo'ngach va traxeya birinchi tog'ay halqasining ortidan kesiladi va ko'krak qafasidagi a'zolar bilan birgalikda diafragma (qovurg'a yoylariga birikan joyidan kesish) orqali ajratib olinadi. Shuningdek, otlar jasadining ichki a'zolarini ajratib olishning P. I. Kokurichev taklif etgan usuli ham mavjud. Bunda oshqozon va barcha ichaklar birgalikda chiqarib olinadi. Buning uchun dastlab taloq va chap buyrak ajratib olinib, qizilo'ngach oshqozonga qo'shiladigan joyida kesiladi. Shundan keyin oshqozonning qizilo'ngach kesib olingan teshigidan chap qo'lning ikkita panjasini bilan ushlab tortish jarayonida diafragma, jigarni, o'ng buyrak bilan bog'lab turgan paylar kesiladi, so'ngra ichak tutqichlarining ildizlari hamda kichik chambar

ichak tutqichlari ajratilgach, oshqozon-ichaklar tizimi to‘laligicha chiqarib olinadi.

Parrandalar jasadini yorib tekshirish orqa tomoni bilan yotqizib, taxtaga ignali to‘g‘nag‘ichlar yordamida qadash yoki son suyaklarini o‘z bo‘g‘imidan ajratgan holatda amalga oshiriladi.

Tashqi ko‘rik davomida parrandaning turi, jinsi, yoshi va semizlik darajasi, jasadning va patlarning holati, toji va halqlarining ko‘rinishi, qovoqlar va ko‘zlardagi o‘zgarishlar aniqlanadi. Shundan so‘ng qorin, ko‘krak va bo‘yindagi patlar yulib tashlanadi. Tanada parazitlar mavjud bo‘lsa, bir necha minutga 5 % formalin eritmasi yoki 3% lizol eritmasiga solib olinadi. Teri dastlabki ko‘rikdan o‘tkazigandan keyin, tumshug‘idan kloakagacha o‘rtta chiziq bo‘ylab kesiladi. Shundan so‘ng, teri kesilgan joyidan ikkala tomoniga ham qisman archiladi hamda teriosti kletchatkasi va skelet mushaklarining holati va tuzilishi o‘rganiladi.

Ko‘krak va qorin bo‘shlig‘i hamda ulardagi ichki a‘zolarni tekshirish uchun qorin devori dastlab kloakadan to‘sh suyagining uchigacha, so‘ngra qovurg‘alarning ostigacha kesiladi. To‘sh suyagini olib tashlash uchun uning suyak o‘sintalari, qovurg‘alar va o‘mrov suyagi qovurg‘a qaychisi yordamida kesiladi. Shundan keyin suyak qisqichi bilan mahkam ushlab, kuchli harakat bilan oldinga qarab tortiladi va butunligicha kesib olib tashlanadi.

Ko‘krak qorin bo‘shlig‘ini tekshirish jarayonida havo saqlovchi xaltalarning holati, ularda ekssudat yoki suyuqliklar mavjudligi va tarkibi tekshiriladi. Shuningdek, ichki a‘zolarning joylashuvi va seroz qoplamlardagi o‘zgarishlar diqqat bilan o‘rganiladi.

Parrandalarning ichki a‘zolarini jasaddan ajratib olish va tekshirishning bir nechta usuli bor. Odatda, birinchi navbatda, jigar ajratib olinadi, chunki jigar parrandalarda kuchli rivojlangan bo‘lishiga qaramasdan, juda mo‘rt va tez sinuvchan bo‘ladi. Shundan so‘ng taloq oshqozon va ichaklar bilan birgalikda, keyin esa o‘pka, yurak va siyidik jinsiy a‘zolar tizimi ajratib olinadi. Parrandalarning o‘pkasi qovurg‘alararo chuqurliklarda joylashgani tufayli, uni skalpelni ko‘tarib ajratish lozim. Og‘iz bo‘shlig‘i va burun halqumning shilliq pardalari ni tekshirish uchun tumshuqning osti qaychi yordamida kesib ochiladi, keyin esa qizilo‘ngach, jig‘ildon (zob), hiqildoq va traxeya yorib tekshiriladi. Bosh miyani ajratib olish uchun parrandaning kallasi kesib olinadi, ensa tirqishidan boshlab qaychi bilan aylana shaklida kalla suyaklari kesiladi va pinset bilan olib tashlanadi. Shundan so‘ng bosh miya ajratib olinadi.

Parrandalar ichki a‘zolarini tekshirish huddi sutezemizuvchi hayvonlar ichki a‘zolarini tekshirish tartibida amalga oshiriladi. Biroq bunda parrandalar ichki a‘zolaridagi anatomik tuzilishining o‘ziga xos xusu-

siyatlarini e’tiborga olish kerak. Jumladan, taloqning kesimdagagi tuzilishi yaqqol ko‘rinmaydi, ichaklarning ko‘r xaltalari juda kuchli rivojlangan, fabritsiy xaltasi mavjud, o‘pkada alveolalarning o‘rnini parabronxlar egallagan, mushak oshqozonni tekshirish uchun esa uni qoplab turgan kutikulani ajratib olish zarur.

Ishlab chiqarish sharoitlarida parrandalar ichki a‘zolarini tekshirishni jasaddagagi tabiiy o‘rnashgan joyida amalga oshirish mumkin. Bunda, dastlab, jasadning chap tomoniga ichaklar biroz tortiladi va avval jigar, taloq, o‘pka va siyidik-jinsiy a‘zolar tizimi, keyin esa qizilo‘ngach, jig‘ildon hamda oshqozon ichaklar tizimi yorib tekshiriladi.

Cho‘chqalar jasadini tashqi ko‘rikdan o‘tkazishda boshning bashara qismi shaklining o‘zgarishlariga (yassiligi, qiyshiq tumshuqligi, noto‘g‘ri tishlamiligiga), lablar va milklarning shilliq qatlamlaridagi jarohatlarga e’tibor qaratish zarur. Boshqa hayvonlardan farqli o‘la-roq, cho‘chqalarda teridagi o‘zgarishlar (o‘choqli qizariishlar va nekrozlar, qon quyilishlari, qavariqlar, toshmalar va h.k.) yaqqol ko‘rinadi, bu esa, o‘z navbatida, saramas va o‘lat kabi kasallikkarda muhim diagnostik ahamiyatga egadir.

Cho‘chqalarning jasadini G.V.Shor taklif etgan to‘liq evisseratsiya usulida yorib tekshirish mumkin. Bunda jasad orqa tomoni bilan yotqizilib, orqa oyoqlari tosson bo‘g‘imida, old oyoqlari esa ko‘krak qafasidan kuraklarning tog‘ay qismigacha ajratib kesiladi. Dastlab qorin mushaklari tos suyaklariga yopishgan joyidan kesiladi, so‘ngra qorin devori oq chiziqdan o‘ng tomonidan 5-15 sm qoldirib qovurg‘a yoyigacha kesib boriladi. Shundan keyin qovurg‘alarning ko‘krak suyagiga birikkan joylari ikkala tomonidan ham kesib ajratiladi, yurak ko‘ylakchasini ko‘krak suyagi bilan bog‘lab turgan paylar kesib tashlanadi.

Qorin va ko‘krak bo‘shliqlarini tekshirishda u yerda mayjud ekssudatlar yoki suyuqliklarning miqdori va tarkibi, ichki a‘zolarning joylashuvi va holati hamda seroz qoplamlardagi o‘zgarishlar tekshiriladi. Cho‘chqalarda ayrim o‘tkir kechuvchi yuqumli septik kasallikkarda (masalan, saramasda) ichki a‘zolarning seroz qoplamlariga ko‘krak va qorin bo‘shliqlarida to‘planadigan suyuqlikdan fibrin tolalari ajralib tushishi mumkinligini ham diqqat e’tiborda tutish shart.

Shundan so‘ng birinchi qovurg‘alarni surib, bo‘yining ventral hamda tilosti mushaklari kesib tashlandi va til, bo‘yindagi a‘zolar, ko‘krak qafasi va qorin bo‘shlig‘idagi ichki a‘zolarning barchasi birgalikda, ularning orasidagi tabiiy bog‘lamlar va paylarning butunligini saqlab qolgan holda ajratib olinadi. Bunda dastlab plevra diafragmadan ajratiladi, keyin diafragma qorin mushaklaridan kesib ajratilgach, barcha organo-

kompleks to‘laligicha buyraklar bilan birlgilikda qattiq kuch bilan tortib olinadi.

Kalla chanog‘i ichidagi bosh miyani ajratib olish uchun ko‘zlarning orasida va katta ensa tirkishi da tutashuvchi ikkita yonlama kesim qilinadi. Cho‘chqa kalla suyagi bo‘shlig‘ini ochishda bu juda oddiy va qulay usuldir. Bosh miya ajratib olingandan so‘ng, burun bo‘shlig‘i o‘rtta chiziqning yonidan to‘g‘ri bo‘ylama kesim yordamida yoki ikkinchi uchinchi premolyar tishlar chizig‘ida ko‘ndalang kesim qilish orqali ochiladi.

Cho‘chqalar jasadini qisman evisseratsiya usuli bilan ham yorib tekshirish mumkin, bunda dastlab qorin bo‘shlig‘idagi ichki a’zolar, keyin esa bo‘yin va ko‘krak qafasi a’zolari ajratib olinadi.

Ichki a’zolarni tekshirish tartibi otlar ichki a’zolarini tekshirish tartibiga o‘xhash. Biroq tekshirishning qulayligi uchun bo‘yin va ko‘krak qafasi ichki a’zolarini qorin bo‘shlig‘i a’zolaridan ajratish maqsadga muvofikdir. Shuningdek, mazkur tartibda qorin bo‘shlig‘i a’zolarini alohida-alohida tekshirishga imkoniyat yaratiladi. Cho‘chqalarda katta chambar ichak halqalarini ularni bog‘lab turgan tutqichlardan ajratish lozim. Bunda ko‘r ichak va chambar ichak jimgimalari o‘z yo‘nalishlari bo‘yicha kesib boriladi hamda ularning ichida mavjud axlat massalarining tarkibi va shilliq qatlamlarning holati tekshiriladi.

Emadigan va yosh cho‘chqalarda oshqozondagi ozuqaning tarkibini diqqat bilan tekshirish zarur, ya’ni berilgan ozuqa mazkur guruhlar hayvonlariga mos bo‘lishi kerak. Chunki dag‘al, katta hajmli, mog‘or zamburug‘lari bilan zararlangan ozuqalar hamda sifat-siz don chiqitlari ko‘pincha cho‘chqa bolalarida omma-viy gastroenteritlarning sababi bo‘lishi mumkin, bundan tashqari, paratif va dizenteriya bilan kasallanishga sharoit tug‘diradi.

Cho‘chqalarda burun bo‘shlig‘i va burun chanog‘i shilliq qatlamining holatini tekshirish muhim ahamiyatga ega. Masalan, burun bo‘shlig‘ining yiringli-kataral yallig‘lanishi va burun chanog‘ining atrofifikasi cho‘chqalarning atrofik rinit kasalligida yaqqol ko‘rinadi.

Yangi tug‘ilgan cho‘chqachalar hayotining birinchini kunlaridagi ommaviy o‘limida ularning rivojlanishi, jun qatlamining siyrakligi, terosti kletchatkasida shishishlar mavjudligi va parenximatoz a’zolardagi o‘zgarishlarga alohida diqqat qaratish zarur. Ko‘pchilik holatlarda yangi tug‘ilgan cho‘chqachalarning, ayrim paytlarda esa barcha naslning, ommaviy o‘limiga bo‘g‘oz cho‘chqalarning ozuqa ratsionida oqsillar (almashtirib bo‘lmaydigan aminokislotalar), mikroelementlar (ayniqsa yodning) va vitaminlarning yetish-

masligi (masalan, yangi tug‘ilgan cho‘chqachalarning enzootik miksodema kasalligida) sabab bo‘ladi.

Itlar va mo‘ynali hayvonlarning jasadlari orqasiga yotqizib yorib tekshiriladi. Bunda ichki a’zolarni G.V.Shor bo‘yicha bir butun organokompleks ko‘rinishida to‘liq evisseratsiya usulida yoki A.I.Abrikosov usulida ajratib olish mumkin. Ichki a’zolarni tekshirish tartibi xuddi qoramollar yoki otlarni tekshirish tartibiga o‘xhashdir. Biroq it jasadini tekshirish jarayonida terosti kletchatkasi va seroz qoplamlarning suvsizlanishi, qonning quyuqlashuvi, qon quyilishlari, oshqozon pilorik qismining gemorragik yallig‘lanishi kabi o‘zgarishlarga, shuningdek oshqozondagi ozuqa tarkibida yot jism va predmetlarning mavjudligiga alohida diqqat e’tibor qaratish zarur. Chunki bu o‘zgarishlar quturish kasalligiga gumonsirash uchun asos bo‘ladi. Shuning uchun, bunday holatlarda mazkur xavfli kasallikka tug‘ilgan shubhani istisno qilish uchun veterinariya laboratoriyasiga itning kallasini butunligicha yoki bosh miyadagi ammon shoxi, kichik miya va cho‘zinchoq miya bo‘lakchalarinini glitserinning 30% li suvli steril eritmasida jo‘natish kerak. Bundan tashqari, burishgan, g‘adir-budur va zichlashgan buyraklar itlarda leptospirozning sarg‘aymasiz shakli uchun xos o‘zgarish ekanligini unutmaslik darkor.

Albatta, mavjud sharoitlar, yorib tekshirishning maqsadi, kasallikning xususiyatlari hamda hayvonlar yoki parrandaning turiga qarab, ichki a’zolarni ajratib olish va tekshirish yuqorida keltirilgan u yoki bu usul yordamida amalga oshirilishi kerak. Shunga qaramasdan, yorib tekshirishni umumqabul qilingan tartibda bajarish maqsadga muvofikdir. Jasadni yorib tekshirish tartibsiz bajarilganda ayrim ichki a’zolardagi muhim ahamiyatga ega bo‘lgan patomorfologik o‘zgarishlar diqqatdan chetda qolib ketishi mumkin, bu esa, oqibatda, noto‘g‘ri xulosaga (diagnoza) sabab bo‘ladi.

#### Foydalilanigan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Акулов А.В. и соавт. “Патологоанатомическая диагностика болезней крупного рогатого скота”. М., “Агропромиздат”, 1987, 399 с.
2. Alimov B.A., Egamberdiyeva Z.Z. “Patologik anatomiyadan qo‘llanma”. T. “Ibn Sino”, 1993, 168 s.
3. Ibodullaev F. “Qishloq xo‘jalik hayvonlarining patologik anatomiyasi”. T., “O‘zbekiston”, 2000, 420 s.
4. Меркулов Г.А. “Курс патологистологической техники”. М.”Медгиз”, 1976, 340 с.
5. “Патологическая анатомия сельскохозяйственных животных”. Под ред. В.П.Шишкова и Н.А.Налетова. М.”Колос”, 1980, 440 с.

УДК:637.517:614.9:636.92

Хатамов Толмас Тўлқинович, мустақил изланувчи,

Ачилов Одилжон Элмурадович, PhD

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик  
ва биотехнологиялар университети

## “БИОСТИМВЕТ” ПРЕПАРАТИ ҚЎЛЛАНИЛГАН ҚҮЁНЛАР ГЎШТИ СИФАТИГА ВЕТЕРИНАРИЯ-САНИТАРИЯ ЖИҲАТИДАН БАҲО БЕРИШ

### Аннотация

В статье приводятся описание результатов ветеринарно-санитарной оценки мясных качеств подопытных кроликов, которым парентерально вводился препарат “Биостимвет” изготовленного на основе печени форели.

**Kalit so‘zlar:** Биостимвет, углеводлар, витаминалар, ферментлар, биокимёвий, органолептик, кислород, кислоталик-оксидланиши, амино-аммиакли азот, пероксидаза, фармол, рангли-оксидловчи.

**Мавзунинг долзарбилиги.** Бугунги кунда Республикаизда аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида чорвачиликни ривожлантиришига катта эътибор қаратилмоқда. Гўшт маҳсулотлари кимёвий таркиби ва озуқавий қиймати бўйича энг зарур озиқовқат маҳсулотларидан бири хисобланади [1; 5].

Гўшт инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга, чунки у организмни тўлиқ қийматга эга бўлган оксил ва ёф моддалари билан таъминлашда асосий манбалардан бири хисобланади. Шунингдек, гўшт таркибида углеводлар, экстрактив моддалар, витаминалар, ферментлар ва минерал моддалар мавжуд [2; 3; 4].

Ҳозирги вақтда чорвачилик ва паррандачиликда ўсиш жараёнларини тезлаштириш ҳамда боқиши муддатларини кискартириш мақсадида ишлатиладиган турли хил фермент, витамин, антибиотик, хайвон тўқималаридан ва ўсимликлардан олинган кўплаб дори воситалари ишлаб чиқилган ва амалиётда қўлланилмоқда. Ушбу препаратларнинг гўшт сифатига таъсирини ветеринария - санитария жиҳатидан баҳолаш муҳим саналади [1; 3].

**Тадқикот обьекти ва услублари.** Тажриба учун 10 бош қуёнлар “ўхшаш жуфтликлар” асосида танлаб олинди. Танлаб олинган қуёнлар 5 бошдан иккى гурухга ажратилди. Иккала гурух қуёнлари доимий ҳароратдаги хонада, алоҳида катакларда сақланди. Назорат гурухига препарат қўлланилмади, тажриба гурухдаги қуёнларга

### Summary

The article describes the results of the veterinary and sanitary assessment of the meat qualities of experimental rabbits, which were parenterally injected with the drug «Biotimvet» made on the basis of trout liver.

“Биостимвет” препарати 0,5 мл/кг дозада мускул орасига бир марта қўлланилди. Тадқикотларимиз “Биостимвет” препарати қўлланилган тажриба қуёнларини сўйишдан кейинги олинган маҳсулотларнинг ветеринария-санитария экспертизаси “Ўзстандарт” талабларига мувофиқ олиб борилди. Қуёнлар гўшти сифатини органолептик (гўшт маҳсулотлари қонининг чиқиб кетиши даражаси, мушак тўқимаси консистенцияси ва ранги, янги сўйилган гўшти хиди, қайнатилган гўшт ва бульони таъми) ва биокимёвий (рН, кислоталик-оксидланиши коэффициенти, амино-аммиакли азот микдори, пероксидазага синамалар, фармол ва рангли-оксидловчи реакциялар) асосида текширилди.

Тадқикотларимиз давомида, “Биостимвет” препарати 0,5 мл/кг дозада мускул орасига бир марта қўлланилган тажриба қуёнлари ички аъзолари ҳамда гўштини 1 ҳафтадан сўнг органолептик текширилганда, уларда назоратдаги қуёнлар гўштидан ажралиб турадиган фарклар кузатилмади.

Тана гўшти – ташқи ва ички юзасида шишлар ва бошқа патологик ўзгаришлар мавжудлигига эътибор қилган ҳолда органолептик текширилди. Қуёнлар тана гўштини текшириш ички ва ташқи томондан кўриш орқали олиб борилди. Бунда танадаги ҳар хил дегенератив ўзгаришлар бор йўклиги, ранги ҳамда бўйин, кўкрак, бел ва сон мускуллари кесиб кўрилди.

### Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.

Тадқикотларимизда қуёнлар танасининг кесилган жойи нотекис, ўраб турувчи мушак тўқимаси қон билан яхши инфильтранган, гўшт юзаси оч қизил рангли пўст хосил қилган, кесилган юзадаги мускуллар бир мунча нам, оч қизил рангда, таранг консистенцияда, қуён гўштига хос ҳид аникланди. Тажриба ва назорат гурухи қуёнлари гўшти қайнатганда ташқи кўриниши, хиди, таъми ва консистенцияси бўйича баҳоланди ва бульони хуштаъм, мазали ва яхши хидга эга эканлиги аникланди.

Гўшт этилиш даврида ферментлар таъсирида мураккаб физика-кимёвий ва коллоид ўзгаришлар содир бўлаши натижасида гўшт нозик, юмшоқ, ёқимли таъм ва



1-расм. “Биостимвет” препарати қўлланилган тажриба қуёнлари ички аъзоларини органолептик текшириш.

1-жадвал.

**“Биостимвет” препарати қўлланилган қуён гўштининг органолептик ҳусусиятлари, (n=10)**

Кўрсаткичлар номи	Қуён гўштининг ҳусусиятлари	
	Назорат	Тажриба
Ташқи кўриниши ва мускул тўқималарининг ҳолати	гўшт юзаси оч қизил рангли, пўст ҳосил қилган, тана мускуллари яхши ривожланган	гўшт юзаси оч қизил рангли пўст ҳосил қилган, тана мускуллари яхши ривожланган
Ҳиди	қуён гўштига хос	
Кўкрак ва корин бўшлиғи сероз мембраннынг кўриниши	нам, ёркин	
Кесилган мускуллар	бир оз нам (филтр қофозини бўймайди, оч пушти қизил рангга эга)	
Консистенцияси	мускуллари зич, эластик, бармоқ билан босилгандан ҳосил бўлган чукурчалар тезда текисланади; ёги зич	
Бульоннинг тиникилиги ва хушбўйлиги	тиник, хушбўй	

ҳидга эга эканлиги аниқланди. Ҳайвонлар тириклигига организмда орган ва тўқималарда кислород иштироқида оксидланиш-қайтарилиш реакциялари боради ва катта микдорда энергия ажralиб чиқади.

Ҳайвонлар сўйилгандан сўнг уларнинг орган ва тўқималарига кислород бориши тўхтайди, натижада тўқималарда сульфат оксидланиш реакцияси кечиши сабабли, қайтарилимайдиган жараён боради ва анаэроб шароитида тўқималар парчаланади. Асосий ўринда тўқималардаги углеводларда ўзгаришлар кузатила бошлади, ҳайвон тириклигидагидан фарқли равишда, гўшт етилишида углеводларда бўладиган ўзгаришлар хисобига қайтмас жараёнлар боради.

Ушбу маълумотлардан келиб чиқкан ҳолда, гўштнинг сифатига баҳо бериш мақсадида унинг физика-кимёвий кўрсаткичларини ўрганиш учун гўштнинг pH муҳити аниқланди. Тадқиқотларимиз давомида ҳайвон тириклигига тўқималараро водород ионларининг кўрсаткичи (pH) кучсиз ишқориб бўлиб, ҳайвон сўйилгандан кейин, гўштда етилиш жараёнининг бориши туфайли муҳит нисбатан кислотали томонга ўзгариш қайд этилган.

Шунингдек, “Биостимвет” препарати қўлланилган қуёнлар гўшти сифатини аниқлаш учун ва назорат қуёнлари гўштига нисбатан ўзгаришларни аниқлаш мақсадида pH кўрсаткичи ўрганилди.

Олинган намуналарда водород ионларининг микдорини аниқлаш мақсадида ўтказилган текширишлар

натижасида қуидагилар аниқланди: назорат гуруҳидаги сўйилган қуёнлар гўштида водород ионининг концентрацияси (pH) 5,84, тажриба гуруҳидаги қуёнлар гўштида эса 5,98 эканлиги аниқланди.

Гўштда физика-кимёвий кўрсаткичларнинг ўзгаришлари уларнинг концистенцияси, ранги ҳамда масасининг ўзгаришини келтириб чиқариши аниқланган. Шунинг учун, фармакологик воситалар қўлланилгандан сўнг гўштнинг физика-кимёвий кўрсаткичларини меъёр кўрсаткичлари билан таққослаш муҳим аҳамиятга эга. Гўшт концистенциясининг ўзгариши гўштнинг қотиши ва стилиш жараёнининг бошланишида рўй берадиган ўзгаришлар билан боғлик ҳисобланади. Гўшт юзасининг суст даражада қорайиши эса унинг куриши ва шу жойда ранг берувчи моддалар концентрациясининг ортиши билан ифодаланади. Тана гўштида ташқи томонинг қорайиши қон гемоглобини ва тўқималардаги миоглобиннинг метгемоглобин ҳамда метомиоглобинга айланиши натижасида келиб чиқади. Гўшт рангининг қорайишига асосий сабаб яхши қонсизланмаган, қон йигилган жойларда ва озгин ҳайвонларнинг гўштларида кузатилади.

Тадқиқотларимиз давомида тажриба ва назорат гуруҳидаги қуёнлар гўштидан тайёрланган сувли экстракт фильтрдан ўтказилганда анча тиник ва тез оқиб ўтиши аниқланди.

Тажриба ва назорат гуруҳи қуёнлари гўштидан тайёрланган экстрактни 5% ли мис кукуни эритмаси би-

2-жадвал.

**“Биостимвет” препарати қўлланилган қуён гўштининг физика-кимёвий кўрсаткичларининг ўзгариши (M±m; n=10)**

Гўштнинг физика-кимёвий кўрсаткичлари	Қуён гурухлари	
	тажриба	назорат
5% мис қукуни билан реакцияси	тиникроқ, бегона нарса йўқ	тиник, бегона нарса йўқ
Пероксидаза реакцияси	+	+
Учувчан ёғ кислоталар микдори (мг/%)	2,24±0,04	2,36±0,05
Амин-аммиакли азотнинг микдори (мг/%)	1,13±0,005	1,12±0,005
Оксидланиш-кислотали коэффициенти (мг/%)	0,43±0,005	0,44±0,005
Формалинли реакцияси	бульони тиник, реакция салбий	бульони тиник, реакция салбий
Несслер реактиви реакцияси	оч сарғиш, тиник	оч сарик, тиник

лан кўйилган реакцияда фильтрат тиник, ҳеч қандай чўкмаларсиз эканлиги кузатилди (2-жадвал).

“Биостимвет” препарати кўлланилган тажриба қуёнларида водород ионлари концентрацияси (рН) 5,98 чегарасида эканлиги аниқланди. Кислоталик-оксидланиш коэффициенти 0,43 ва ундан юқори, амино-аммиак азоти миқдори эса 1,13 м% дан ошмаган. Бундай маҳсулотларда пероксидаза ферменти борлигига ишора киладиган бензидин синамаси барча ҳолларда ижобий, формол ва рангли-оксидловчи реакциялар кўрсатмалари – манфий ва алоҳида ҳолларда - шубҳали эканлиги аниқланди.

**Хулоса.** “Биостимвет” препарати кўлланилган тажриба қуёнларида аниқланган кўрсаткичлардан қуёнлар гўшт маҳсулотлари етилиши жараёни нормал кечишидан ва уларда оқсиллар, аминокислоталар парчаланиши

маҳсулотлари ва патоген микрофлора йўқ, деб хулоса қилиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Боровков М.Ф., Фролов В.П., Серко С.А. Ветеринарно-санитарная экспертиза с основами технологии и стандартизации продуктов животноводства. // [текст]: Санкт - Петербург: Лань, 2007. Стр. - 448.
2. Муродов С.М. Ветеринария-санитария экспертизаси. Дарслик. Самарқанд 2006 й.
3. Т.Ниниос, Ж.Лунд. «Meat Inspection and Control in the Slaughterhouse» Филландия 2014 й.
4. Смирнов А.В. Практикум по ветеринарно-санитарной экспертизе. Санкт-Петербург ГИОРД, 2015 й.
5. Муродов С.М. ва бошқалар. Ветеринария-санитария экспертизаси. Услубий қўлланма. Самарқанд 2017 й.



#### Тошкент вилояти.

– 8 март куни ишхонамда барча ҳамкаслар байрам билан табриклаб мақтovларга кўмиб ташлаганда кўнглим тоғдек кўтарилди. Ветврачлик қасбини танлаганим учун Аллоҳга беадад шукр дедим. Чунки тиббиёт тизимида аёллар кўп, ветеринарияда эса бармоқ билан санарли. Шунга яраша доимо эътибору ҳурматдаман, – дейди жилмайиб **Юқори Чирчиқ туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими эпизоотологи Гулноз Сапарбоева**. – Аслида шу қасбга болалигимдан астайдил меҳр кўйганман. Дастрлаб Чиноздаги ветеринария техникумидаги ўқидим, ишга киргач сездимки, олий маълумот керак, жуда керак. Шу боис ҳужжатларимни Санкт-Петербург давлат ветеринария медицинаси академияси га топширдим. Иштиёқ, билим, русчани яхши ўзлаштирганим устун келди, сиртдан ўқиб ҳеч кимдан кам бўлмаган мутахассисга айландим. Мактанияти демангум айни чорда ишхонадан ташқарида 30 дан ортиқ доимий мижозларим бор. Худди чет эллардаги оиласи шифокорлар сингари манфаатдорлигим мижозлар туфайли. Ишхонага келсак маош каму, аммо жамоамиз жуда аҳил. Бошлигимиз Ҳожиакбар Отабоев олим киши, уни-

верситетда доцент, барчасига улгурадиган, гайратли ва самимий инсон.

Гулноз Сапарбоеванинг эътироф этишича, инсон қийинчиликлардан қўрқмаса, машаққатлар рўпарасида довдирраб қолмаса барчасига эришади, ишхонасида ҳам ҳурмат топади. Агар тиришқоқлик, меҳнатсеварлик бўлмаса Гулноз оила ташвишларидан ортиб Россиядаги энг нуфузли олийгоҳда ўқирмиди? Албатта йўқ. Техникум дипломи бўлса, бирор менга индамаса, тинчгина ишлаб юрибман-ку дерди, ўзига ўзи таскин бераб ортиқча елиб- югуриб юрмасди. Ахир ҳаётда ёшлиқда ўқишга интилмай, қийинчиликлар олдида таслим бўлган, сўнг йиллар ўтгач афсусланиб яшаётган озмунчами? Гулнознинг характеристидаги катъият уни мутахассис сифатида улгайтиргани ҳам айни ҳақиқат. У билан гурунглашиб сезасизки, ҳаётда ўз ўрнингни топиш фақат ва фақат ўзингга боғлиқ, ўқиш-ўрганишдан эринмасанг ҳамкаслар сендан маслаҳат олади, ортидан эргашади ҳам. Чунки қаҳрамонимиз айни чорда оила бекаси сифатида 3 ўғил ва бир қизнинг онаси, бир нафар ширингина инсоннинг меҳрибон бувиси, турмушда, маҳалла ҳаётида фаол, севимли касбida ҳамкасларига ўрнак. У ҳеч кимдан қўмагини аямайди. Гулнозни кўрганда меҳрибон синглисини кўргандек суюниб кетадиган кексалар ҳам кўплигини айтсан ишонаверинг.

– Якинда ўғлим Билолбек ветврачликка ўқимоқчи эканлигини айтди. Бундан бошим осмонга етди. Ҳозирданоқ рус ва инглиз тилларини ўрганиш кераклигини айтдим, онанг техникумда академияда ўқиди, болам ундан ҳам ўзишинг, келажакда ветеринария илми бўйича олим бўлишинг керак, Сапарбоеванинг тиришқоқ фарзанди профессор бўлиши керак, дедим. Ёшларни давлат раҳбарининг ўзлари қўллаб турган экан, шундай бўлади, тўғрими?..

– Албатта, илоҳим орзулар ушалсин. Байрамингиз яна бир карра муборак бўлсин. Сиз каби фидойи ветврачлар сафи ортаверсин. Соғ бўлинг, омон бўлинг.

Севинч Эргашева

УДК : 636.74.043.3

**Каримжонова Мунаввар Ибрагимовна, Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси, Божхона қўмитасининг  
Божхона институти “Иқтисодий ва ижтимоий фанлар”  
кафедраси доценти, PhD, божхона хизмати полковниги**

## **ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРДА ХИЗМАТ ИТИНИ МАХСУС ЙЎНАЛИШДА ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР ТАҲЛИЛИ**

(Латвия Республикаси кинология хизматининг хизмат итларини ўргатиш услубиёти мисолида)

### **Аннотация**

*В настоящей статье освещены значение и место кинологических служб в системе правоохранительных органов Республики Узбекистан, в частности служебная деятельность Национального кинологического центра в системе таможенных органов, а также вопросы устранения некоторых недостатков в методике общего курса по обучению служебных собак на основе международного опыта. Также, в ней приводятся научные предложения и рекомендации по развитию и совершенствованию учебно-подготовительного процесса, создание новых учебно-образовательных методик по подготовке служебных собак на основе передового зарубежного опыта.*

**Опорные слова:** таможенная деятельность, кинологическая служба, кинология, служебная собака, общие подготовительные курсы, породы собак, методы обучения, невербальные методы, формирование навыков.

**Кириш.** Божхона органлари хизмат фаолияти самардорлигини ошириш, миллый иқтисодиётни химоя қилиш, қонун йўли билан таъқиқланган товарлар (курол-яроқ, портловчи, наркотик моддалар ва бошқалар) ноқонуний равишда мамлакатимиз худудига олиб кирилиши ва ундан олиб чиқилишини олдини олиш ҳамда бугунги геосиёсий жараёнларда куролланган жиноятчилар мамлакатимизга кириб келишининг олдини олиш, ушлаш ва зарарсизлантиришда Миллый кинология маркази катта ўрин тутади.

Айниқса, Франция, Австрия, Латвия, Россия, Беларусь, Арманистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Афғонистон каби давлатлар, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш ва жиноятларнинг олдини олиш бошқармаси билан якин ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Марказий Осиё ва бошка мамлакатлар божхона хизматлари учун, кинология хизматлари ходимлари учун қайта тайёрлаш, малака ошириш амалиёти йўлга қўйилганини, гиёҳванд, курол-аслаҳа ва портловчи моддаларни қидириб топишига ихтисослашган ҳамда аксил террор йўналиши бўйича 126 та хизмат ити тайёрланниб, хорижий кинолог мутахассислар қайта тайёргарликдан ўтказилганини эътиборлидир.

Таъқидлаш жоизки, Миллый кинология марказига Бутунжаҳон божхона ташкилотининг минтақавий кинология маркази мақоми берилган. Минтақавий кинология маркази келгусида чегарадош, умуман минтақамиз мамлакатларида ҳам кинология соҳасини ривожлантирувчи ўқув-услубий таянч марказ вазифасини ўташи билан бирга, қўшни давлатлар учун хизмат итларини этишириш ва етказиб бериш, хизмат итларидан унумли фойдаланишни ташкил этишга бош-қош бўлади. Ушбу муассасада хорижий божхона хизматлар учун ҳам кинологлар тайёрланади.

### **Annotation**

*In this article, the importance of canine service in the system of law enforcement bodies of the Republic of Uzbekistan, including the role and activity of the national canine center in the system of customs bodies, issues of organization of some shortcomings in the methodology of training service dogs to a general training course based on advanced international experiences are highlighted. Also, scientific proposals and recommendations are presented on the development and improvement of the training process of service dogs in order to ensure the economic security of our country, and to create new training methods based on advanced international experiences.*

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Жаҳонда кинологларни тайёрлаш ва улар томонидан хизмат итларини бошқаришга ўргатишнинг халқаро тажрибалари шуни кўрсатади, жумладан, 2007 йилда қабул қилинган Исрорил давлати тажрибаси мавжуд бўлиб, уларнинг ўзига хос услуг (метод)лари кўлланилмоқда. Германияда XIX аср охириларида немис овчаркаларнинг янги зоти яратилган.

Германиялик машхур ҳарбий ротмистер Макс Эмиль Фредерик фон Штефаниц 1899 йилда “Немес овчаркалари Жамияти”да илк бора немис овчаркаси зоти яратилишида янги стандартлар қабул қилинишида ва улар зотларини такомиллаштириш борасида улкан ҳисса кўшган[4].

Шунингдек, замонавий рус олимлари Р.С. Belkin, В.Т. Bezlepkin, А.И. Vinberg, Е.В. Garitovskaya, V.N. Grigoryev, С.В. Gurdin, Yu.T. Tree-gin, P.P. Ishchenko, V.N. Maxov, M.P. Polyakov, M.V. Saltevskiy, V.I. Staro-voitov, E.A. Semenov, Л.Ю. Денисовалар [7] томонидан Россияда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда кинологлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини аниқлаш ва такомиллаштириш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар заминида барча соҳалар каби, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ҳам жумладан, кинология йўналишида соҳа фаолиятига хизмат итларини тайёрлашда янги инновацион технологияларни, жумладан масофадан бошқариш амалиётини ўқув-ўргатув жараёнларига кўллаш методологияларини такомиллаштириш масалалари долзарб вазифаларга айланган.

**Таҳлил ва муҳокамалар.** Ўзбекистон Республикаси божхона тизимида кинология хизматининг ташкил этилиши. Божхона тизими зиммасига фискал вазифалардан ташқари яна бир муҳим вазифа – давлат божхона чегараларидан курол-аслаҳа, гиёҳванд ва портловчи моддалар



ҳамда ноқонуний товарларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилишини назорат қилиш вазифаси юқлатилган.

Шунингдек, Миллий кинология марказида хуқуқни муҳофаза қиуловчи органларнинг хизмат фаолиятида фойдаланиш учун хизмат итларини маҳсус йўналишга ма-софадан бошқаришга ўргатиш методологиясини яратиш борасида илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда.



Наврӯз айёми дунёнинг сайқали саналмиш Самарқандда гоят кўтаринки руҳда ўтказилди. Оксоқоллар, хорижлик меҳмонлар, ёшлару хотин-қизлар, вилоят фаоллари иштирок этган тадбирда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов сўзга чиқиб барча Наврӯзи айём билан табриклиди. Шу лаҳзаларни кузата туриб қўнглиминиздан бир фикр ўтди. Ҳоким бува сизга ҳам байрам муборак бўлсин, сизга кўз тегмасин.

Таъкидлаш лозимки, Сизнинг ветеринария тизими моддий-техник аҳволини яхшилашга бўлган эътиборингиздан бошқа вилоят раҳбарлари ҳам ўрнак олса арзиди. Чунки ўтгани йиллар ичida сизнинг ташаббусингиз ва вилоят кенгаши депутатлари ҳиммати билан барча туманлар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари енгил автомашиналар билан таъминланди. Аксарият ветучасткаларга ишхона тарзида жиҳозланган контейнерлар белуп ўрнатиб берилди. Бу хайрли иш жорий йилда ҳам давом этишидан умидвормиз. Кўп минг кишилик муштариylар номидан сизга ташаккур, соғ бўлинг.

– Илм билан амалиёт уйғунлиги, олимларнинг тавсияларию, илмий хулосаларини ишлаб чиқаришда тезкорлик билан кўллаш, университет талабаларининг кўпроқ амалиётда бўлишини таъминлаш ҳар қачонгиданда мухимdir. Агар талаба китоблару кўлланмаларда, илмий журналларда ўқиганини имкон қадар ўша куни иш жараёнида кўрса, касал молни устози кўмагида даволашга киришса бу келгусида етук мутахассис тайёрлаш кафолатини беради. Биз шу боис Тойлок

туманида жойлашган ветеринария илмий-тадқиқот институти олимлари билан доимий алоқадамиз, – дейди Самарқанд вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Алишер Нуруллаев. – Айни чоғда эса нашримиз орқали баҳор байрамлари билан қадрли устозларни, барча ветеринария фидойиларини самимий табриклайман. Ғайрату шижаатда яшаш, меҳнатингиз роҳатини кўриб бахти барчангизга узоқ йиллар насиб этсин, азиз дўстлар.

Сирожиддин

## QUYONLARDA KALSIY-FOSFOR ALMASHINUVI BUZILISHLARIDA GEMATOLOGIK KO'RSATKICHLAR

### Аннотация

В данной статье описаны особенности нарушений фосфорно-кальциевого обмена у кроликов, в частности, гематологические показатели и симптомы заболеваний у крольчих в период беременности и послеродового периода, 20-40-дневный период жизни крольчат. Нарушения фосфорно-кальциевого обмена регистрировали в среднем у 40 % крольчих в периоде сукрольности, у 60 % крольчат в постнатальном периоде, у которых отмечается снижение реакции на внешние воздействия, изменение аппетита, взъерошенность кожного покрова, уменьшение блеска, ярко выраженная анемичность (бледность) слизистых оболочек.

**Kalit so'zlar:** quyon, anemiya, kalsiy, fosfor, gemoglobin, glyukoza, umumiy oqsil, gipogemoglobinemiya, gipoglikemiya, gipokalsiyemiya va gipofosforemiya.

**Mavzuning dolzarbliji.** Respublikamizda chorvachilikni, xususan, quyonchilikni rivojlantirish bo'yicha bir qator qarorlar qabul qilingan. Jumladan, Prezidentimizning 2021-yil 3-martdagи PQ 5017-sonli "Chorvachilik tarmoqlarini davlat tomonidan yanada qo'llab-quvvatlashga doir qo'shinchcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorida quyonchilik ozuqa bazasini mustahkamlash, to'la qiymatli, yuqori oqsilli ozuqalar ishlab chiqarish uchun yangi ishlab chiqarish quvvatlarini tashkil etish va mavjudlarini modernizasiya qilish, quyonchilik mahsulotlarini yetishtirish va qayta ishlash yo'li bilan sohani jadal rivojlantirish, mavjud muammolarini hal etish borasida ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borish, ishlab chiqilgan yangi zamонавиу innovasion texnologiyalarni amaliyatga keng joriy etish nazarda tutilgan.

Bugungi kunda quyonchilik katta e'tibor qaratilayotgan sohalardan biri hisoblanadi, shuning uchun ona quyonlarni sifatlari oziqlantirish ulardan sog'lom nasl olishda muhim ahamiyatga ega. Quyonlarning bo'g'ozlik davrida to'yimliligi past, sifatsiz ozuqalar bilan oziqlantirish, ona quyonlar organizmining vitaminlar, makro va mikroelementlarga bo'lgan ehtiyojlarini to'liq qondirilmasligi ularda modda almashinuvlarining buzilishlariga sabab bo'ladi. Quyonlarda uchraydigan mineral moddalar almashinuvi buzilishlarini barvaqt diagnostika qilish, oldini olish usullarini ishlab chiqish va amaliyatga joriy etish dolzarb hisoblanadi.

Quyonchilik tarmog'iga jadal oziqlantirish texnologiyalarining joriy etilishi quyonlar organizmiga texnogen va mikrobiologik omillarning ta'siri oshishiga olib keladi. Bu esa o'z navbatida ovqat hazm qilish tizimi funksional faoliyatini va modda almashinuvi buzilishlariga sabab bo'ladi. Ushbu patologiyalarni quyonlar ozuqa ratsioniga probiotikli-granula holidagi yemlarni qo'shib berishi orqali oldini olish mumkin [1,4].

Fosfor elementi quyonlar organizmida muhim fiziologik jarayonlarda ishtirok etib, moddalar almashinuvlarini fiziologik me'yordorda kechishini ta'minlaydi. Fosfor yetish-

### Abstract

This article describes the features of disorders of phosphorus-calcium metabolism in rabbits, in particular; hematological parameters and symptoms of diseases in rabbits during pregnancy and the postpartum period and in the 20-40-day period of life of rabbits. Violations of phosphorus-calcium metabolism in rabbits were recorded on average in 40% of rabbits in the period of pregnancy, in 60% of rabbits in the postnatal period, which have a decrease in response to external influences, changes in appetite, ruffled skin, a decrease in luster, pronounced anemia (pallor) mucous membranes.


maganda quyonlar organizmida kalsiy va fosfor almashinuvi buziladi, tabiiy rezistentligi pasayadi, ular o'sishdan qoladi hamda reproduktiv xususiyatlari pasayadi [6].

Quyonlarda kalsiy-fosfor almashinuvi buzilishi turli metabolitik jarayonlarning izdan chiqishiga olib keladi. Qon zardobidagi kalsiy va fosfor miqdorlari kamayadi. Gipofiz, qalqonsimon bez faoliyati hamda oqsil, yog', uglevod va energiya almashinuvi buziladi [2,4].

Quyonlar bo'g'ozlik davrida mineral almashinuvi jadal kechadi. Bu paytda vitamin D ning yetishmasligida mineral moddalarni osteoid to'qimalarda assimilyasiya buziladi. Natijada suyak o'rnda tog'ay o'sadi, skeletning deformasiyasi kuzatiladi, suyak to'qimasining fizik xususiyatlari va kimyoviy tarkibida chuqr o'zgarishlar, skelet va yumshoq muskullar, nerv tizimi, yurak-qon tomir, ovqat hazmlanish tizimi funksiyasining buzilishi kuzatiladi [5,7].

**Tadqiqotlar joyi, obyekti va uslublari.** Tadqiqotlarning eksperimental qismi Samarcand viloyatining Oqdaryo tumanidagi "Kumushkent humo-qushi" fermer xo'jaligiga qarashli vilikan zotiga mansub 10 bosh quyonlarda o'tkazildi. Quyonlar organizmida kalsiy va fosfor almashinuvi buzilishlarida gematologik o'zgarishlarni aniqlash maqsadida 5 oylik quyonlarda bo'g'ozlikning 20-30- kunlari va tug'ishdan keyingi 10-kuni, ulardan tug'ilgan bolalarida 20-30 va 40 kunliklarida klinik va gematologik tekshirishlar o'tkazildi. Quyon bolalarining o'sish davrida raxitning rivojlanish belgilari o'rganildi.

Quyonlardan olingan qon namunalarida laborator tekshirishlar SamDVMCHBU "Parranda, baliq, asalari va mo'ynali hayvonlar kasalliklari" kafedrasidagi "OPTA-TECH" kafedralararo laboratoriyasida, "Ichki yuqumsiz kasalliklar" kafedrasining "Gematologiya" laboratoriyasida, qonning ayrim biokimyoviy ko'rsatkichlari 2-son shahar poliklinikasida "Genru GS300 Plus va CYANSmart" apparatlarida ekspress usulida aniqlandi [3].




**1-rasm. Ona quyonlarning gematologik ko'rsatkichlari.**

**Olingan natijalar tahlili.** Tekshirish boshida deyarli barcha quyonlarda ishtahaning pasayishi, shilliq pardalarning oqarishi, semizlik darajasining o'rtadan pastligi, bo'g'ozlikning 30-kuniga kelib, 6 bosh (40%) quyonlarda tashqi ta'sirotlarga javob reaksiyasining pasayishi, teri qoplamasining xurpayishi, yaltiroqligining pasayishi kuzatilgan bo'lsa, tuqqandan keyingi 10- kuniga kelib, quyonlarning 9 boshida (60%) shilliq pardalarning kuchli darajada oqarishi, ishtahaning o'zgarishi kabi belgilarni bilan xarakterlandi. Bundan ko'rinish turibdiki, quyonlarda bo'g'ozlikning oxirlashib borishi bilan ularda mineral moddalar almashinuvni buzilishlari chuqurlashib borishi xarakterli bo'ldi.

Quyonlar qonidagi gemoglobin miqdori bo'g'ozlikning 20-kunligida o'rtacha  $11,5 \pm 3,1$  g/% ni 30-kunligida o'rtacha  $10,9 \pm 3,9$  g/% ni tashkil etgan bo'lsa, bu ko'rsatkich tug'ishdan keyingi 10-kunida o'rtacha  $9,4 \pm 2,3$  g/% gacha kamayishi aniqlandi.

Qon zardobidagi umumiyoq sil miqdori quyonlar bo'g'ozligining 20- kunida o'rtacha  $50,71 \pm 1,79$  g/l ni, 30-kunida o'rtacha  $50,28 \pm 1,77$  ni tashkil etgan bo'lsa, bu ko'rsatkichni tug'ishdan keyingi 10- kuni o'rtacha  $48,51 \pm 1,65$  g/l



**2-rasm. Quyon bolalarining gematologik ko'rsatkichlari.**

gacha kamayishi aniqlandi.

Quyonlar qonidagi glyukoza miqdori bo'g'ozlikni 20-kunida o'rtacha  $3,64 \pm 0,560$  mmol/l ni, 30-kuni o'rtacha  $3,16 \pm 0,541$  mmol/l ni tashkil etgan bo'lsa bu ko'rsatkich tug'ishdan keyingi 10-kunida o'rtacha  $2,91 \pm 0,500$  mmol/l gacha kamayishi xarakterli bo'ldi.

Anorganik fosfor miqdori bo'g'ozlikning 20-kuni o'rtacha  $2,6 \pm 0,070$  mmol/l ni, 30-kuni o'rtacha  $1,2 \pm 0,051$  mmol/l ni tashkil etgan bo'lsa, tug'ishdan keyingi 10- kuni o'rtacha  $1,1 \pm 0,037$  mmol/l gacha kamayib borishi kuzatildi. Umumiy kalsiy shunga mos holda o'rtacha  $3,21 \pm 0,211$  mmol/l,  $2,15 \pm 0,189$  mmol/l,  $1,87 \pm 0,044$  mmol/l ni tashkil etdi (1-jadval). Bunday holatni ona quyonlar organizmida embrionlarning rivojlanishi bilan mineral moddalarga bo'lgan talabning oshishi bilan izohlash mumkin.

Quyon bolalarida klinik tekshirishlar natijasiga ko'ra, ularda tana qoplamasining hurpayishi, anemiya belgilari, 35 – kunlariga borganda 50-60% quyonlarda raxit belgilariidan oyoq suyaklarining deformasiyasi, tishlarning yaxshi rivojlanmasligi, qovurg'a suyaklari palpasiyada og'riqli va bo'rtiqlar borligi aniqlandi.



**Quyonlardan qon olish va tekshirish jarayoni.**

Quyon bolalarining gemitologik ko'rsatkichlari tahliliga ko'ra, gemoglobin miqdori 20 kunligida o'rtacha  $12,2 \pm 2,4$  g/%ni, 30 kunligida –  $11,4 \pm 2,7$  g/% ni tashkil etgan bo'lsa, bu ko'rsatkich 40 kunligida –  $9,3 \pm 2,1$  g/% gacha kamayishi xarakterli bo'ldi.

Qon zardobidagi umumiy oqsil miqdori quyon bolalarining 20 kunligi –  $53,54 \pm 1,75$  g/l ni, 30 kunligida o'rtacha  $51,58 \pm 1,77$  g/l ni tashkil etgan bo'lsa, bu ko'rsatkich 40 kunligida –  $50,53 \pm 1,62$  g/l gacha kamayishi aniqlandi.

Qondagi glyukoza miqdori quyon bolalarining 20 kunligida o'rtacha  $3,29 \pm 0,571$  mmol/lni, 30 kunligida –  $3,02 \pm 0,549$  mmol/lni tashkil etgan bo'lsa bu ko'rsatkich 40 kunligida o'rtacha  $2,95 \pm 0,510$  mmol/l gacha, umumiy kalsiy miqdori 20- kunligida –  $2,56 \pm 0,19$  mmol/l ni, 30 kunligida –  $2,13 \pm 0,186$  mmol/lni tashkil etgan bo'lsa, bu ko'rsatkich 40 kunligida –  $1,85 \pm 0,042$  mmol/l gacha kamayishi xarakterli bo'ldi.

Anorganik fosfor miqdori quyon bolalarining 20 kunligida –  $2,1 \pm 0,068$  mmol/l ni, 30 kunligida –  $1,8 \pm 0,054$  mmol/l ni tashkil etgan bo'lsa, 40 kunligida –  $1,2 \pm 0,035$  mmol/l gacha kamayib borishi kuzatildi (2-jadval). Bunday holatni o'sish davridagi quyon bolalari organizmida mineral moddalarga bo'lgan talabning oshishi hamda ular organizmida gipogemoglobinemiya, gipoglikemiya, gipokalsiyemiya va gipofosforemiya kuzatilayotganligi bilan izohlash mumkin.


### Xulosa

1. Quyonlarda kalsiy va fosfor almashinuvi buzilishlari tashqi ta'sirotlarga javob reaksiyasining pasayishi, teri qoplamasining xurpayishi, yaltiroqlikning pasayishi, shilliq pardalarning kuchli darajada oqarishi, ishtahaning o'zgarishi, suyaklar deformasiyasi kabi belgilar bilan xarakterlanadi.

2. Ona quyonlarning bo'g'ozlik davrida qondagi gemoglobin miqdori dastlabki ko'rsatkichlarga nisbatan o'rtacha  $2,1$  g% ga, quyon bolalarida esa  $2,7$  g% ga, umumiy oqsilni shunga mos ravishda o'rtacha  $2,2$  g/l va  $3,1$  g/l ga, glyukozani  $0,33$  mmol/l va  $0,34$  mmol/ga, umumiy kalsiyini  $0,34$  mmol/l va  $0,35$  mmol/lga, anorganik fosforni  $1,5$  mmol/l va  $0,9$  mmol/l ga kamayishi bilan kechadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Балакирев Н.А. Кролиководство / Н.А. Балакирев, Й.А. Тинаева. - М.: Колос, -2006. -232 с.
2. Кашапова Р.А Гематологические показатели у кроликов, содержащихся в различных условиях загрязнения окружающей среды. Автореф.канд.дисс. 2007. стр.15.
3. Методы ветеринарной клинической лабораторной диагностики: Справочник/ под ред. проф. И.П.Кондрахина. – М.: Колос, 2004. - С. 520.
4. Васильченко Г.В. Физиологическое состояние кроликов, биохимические показатели их тканей и органов после применения водно-дисперсных форм каротинсодержащих и витаминных препаратов: Автореф. дис. ... канд. биол. наук. – Белгород, 2005 138 с.
5. Sobir, E. (2016). Etiopathogenesis and symptoms of vitamin–mineral metabolism violation in cows. *International Journal of Applied Research*, 2(6), 265-267.
6. Eshburiev, S.B., Qarshiyev, U.T., & Yusupova, Z. (2022). Prophylaxis of mineral metabolism disorders in rabbits. *Agrobioteknologiya va veterinariya tibbiyoti ilmiy jurnali*, 399-402.
7. Karshiev, U.T., Eshburiev, S. B., & Yusupova, Z.M. Etiopathogenesis of Calcium–Phosphorus Metabolism in Rabbits. *International Journal of Current Science Research and Review*. ISSN, 2581-8341.



### Тошкент вилояти.

– Магистратурада ўқиши жараёнида сездикки, илмий иш қилган киши асло кам бўлмайди. Мехрибон устоз, тиришқоқлик, қунт ва сабр албатта ўз натижасини беради. Шу боис ҳозирданоқ мавзу танлаб илмий тадқиқотлар бошлашга киришдим, – дейди Юқори Чирчиқ туман ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфислиги маркази директори Зоирхўжа Турсунбоев. – Танланган мавзу бўйича бирор нарсани тушунмасам ё маслаҳат зарур бўлса устозим университет доценти Хожиакбар Эркабоевич Отабоевга юзланаман. У эринмасдан тушунтиради, йўл-йўриқ кўрсатади ҳам. Аслида Хожиакбар Эркабоевич ишда ҳам илмда ҳам менга ўрнак. У туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига раҳбар бўлиб келгач ишхона янги қиёфага кирди, ҳовлимиз гулга бурканди. Байрамлар жуда кўтаринки ўтадиган бўлди. Жамоадаги аҳилликни айтмайсиз. Бир сўз билан айтганда мана шундай адолатли инсонлар билан ишлаб чарчамайсиз, ютуқлар ҳам ўз-ўзидан келаверади. Шу боис ҳар тонг ишхонага ошиқман, ўқишига ҳам ишга ҳам бемалол ургуряпман. Журналда бу ҳақда ёзар бўлсангиз таъкидлаб кўйинг, шогирдлар баҳтига устозлар омон бўлсин.

тириш бўлимига раҳбар бўлиб келгач ишхона янги қиёфага кирди, ҳовлимиз гулга бурканди. Байрамлар жуда кўтаринки ўтадиган бўлди. Жамоадаги аҳилликни айтмайсиз. Бир сўз билан айтганда мана шундай адолатли инсонлар билан ишлаб чарчамайсиз, ютуқлар ҳам ўз-ўзидан келаверади. Шу боис ҳар тонг ишхонага ошиқман, ўқишига ҳам ишга ҳам бемалол ургуряпман. Журналда бу ҳақда ёзар бўлсангиз таъкидлаб кўйинг, шогирдлар баҳтига устозлар омон бўлсин.

УДК:619-9:614.46:615.371:616.636

**Т.К.Газиақұлов, в.ф.н., Самарқанд вилояты ҳайвонлар касаллар ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази, вирусология лабораториясы мудири,**  
**М.М.Алламурадова, ташхис маркази директори**

## ПАРРАНДАЛАРНИНГ НЬЮКАСЛ КАСАЛЛИГИ ВА ИММУНИТЕТ ФАОЛЛИГИНИ ГАТР (ГЕМАГЛЮТИНАЦИЯНИ ТҮХТАТИШ РЕАКЦИЯСИ) ЁРДАМИДА ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

### Аннотация

В данной статье представлены материалы по изучению формирования иммунитета после вакцинации против Ньюкальской болезни в птицеводческих хозяйствах Самаркандской области. Даны результаты оценки иммунитета у птиц по реакции торможения гемаглютинизации после вакцинации.

**Ключевые слова:** птица, Ньюкаслская болезнь, иммунитет, титр, реакции торможения, эритроциты, доза.

**Мавзунинг долзарбилиги.** Республикада чорвачиликни, жумладан, унинг энг сердаромад тармоқларидан бири ҳисобланган паррандачиликни интенсив ривожланишишга катта аҳамият берилмоқда. Бунинг учун Республикамиз Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги 6097 сонли “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантариш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” ПФ 6097-сонли фармони, ҳамда 2021 йил 14 июндаги 5146-сонли “Паррандачиликни ривожлантариш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган кўшимча тадбирлар тўғрисидаги” қарори 2022 йилда мамлакатимизда ветеринария, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантаришда ва ушбу тадқиқотларни бажаришда амалий дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Паррандачиликни жадал суратлар билан ривожланишишга турли хил паррандачилик хўжаликларида учрайдиган айрим инфекцион касаллар катта тўсиқлик килади. Бу касаллар орасида паррандаларнинг ўта хавфли Ньюкасл касаллиги муҳим ўринни эгаллайди.

Ньюкасл касаллиги (сохта-ўлат) – ўта контагиоз, ўтқир кечадиган товук туркумига кирувчи паррандаларнинг этиологияли вирус инфекцион касаллиги бўлиб, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш аъзолари ва марказий нерв тизимининг жароҳатланиши билан таснифланади. Касаллик жуда тез тарқалиб, паррандачилик хўжаликларига катта иқтисодий зарар келтиради. У ўтқир кечганда ва биринчи марта қайд этилганда, ёш жўжаларнинг 100% гача нобуд бўлиши кузатилиши мумкин. Бу касалликдан она товуқларнинг ҳам 60-90% атрофида ўлими кузатилиши мумкин. Бундан ташқари, кўшимча эмлаш ишларини амалга ошириш учун кўшимча микдорда вакцина сотиб олиш, карантин чора-тадбирларини ўтказиш учун катта микдорда маблағ сарфлаш талаб этилади.

### Annotation

This article presents materials on the study of the formation of immunity after vaccination against Newcastle disease in poultry farms in the Samarkand region. The results of the assessment of immunity in birds according to the reaction of inhibition of hemagglutination after vaccination are given.

Амалиётда бу касалларнинг олдини олиш учун вируснинг “Ла-Сота” ва “В1” штаммларидан тайёрланган куруқ вирусвакциналар жўжалар 10 ва 20 кунликларида 2 марта ҳамда “Н” штаммидан тайёрланган вирусвакцина соғлом товуқларни Ньюкасл касаллигига қарши эмлашда кўлланилади. Эмлаш натижалари эмланган паррандаларда иммунитет даражасини “гемаглютинацияни тўхтатиши” реакциясида (ГАТР) аниқлаш орқали аниқланади ва эмлаш ишлари сифатлари текширилади. Ушбу текширувда эмланган 80% паррандаларда титр кўрсаткичи 1:10 да кам бўлмаса, иммунитет етарли деб қабул қилинган.

**Тадқиқот материаллари ва услублари.** Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманидаги “Оҳалик Ломанн парранда”, “АООТ”, “Мароканд” паррандачилик фабрикаларида, Оҳалик ҚФЙ аҳолига тегишли паррандаларда, Самарқанд шахри “Чўпон ота” парранда МЧЖ, Каттақўргон тумани “Ориён” паррандачилик фабрикаси, Тойлоқ тумани Богизагон қишлоғи хусусий паррандачилик фермасида Ньюкасл касаллигига қарши “Ла-Сота” вирусвакцинаси билан эмланган паррандалардан олинган қон зардолари тадқиқотлар предмети бўлиб хизмат килди ва уларда кўлланилган вакциналарнинг иммуноген фаоллиги Самарқанд вилоят ҳайвонлар касалларни ташхиси ва озиқ-овқат хавфсизлиги давлат маркази Вирусология лабораториясида ўрнатилган гемаглютинацияни тўхтатиши реакциясида (ГАТР) аниқланди.

**Тадқиқот мақсади ва натижалари.** Паррандачилик фермаларида, айниқса саноат асосида ташкил этилган замонавий йирик фабрикаларда сақланадиган жўжаларни Ньюкасл касаллигига қарши маҳсус профилактика қилиш биринчи даражали ва жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирлардан бири ҳисобланади. Чунки хозиргacha ҳам ушбу касаллик энг хавфли, тез тарқаладиган ва халқ

**Самарқанд вилоятидаги айрим паррандачилик хўжаликларида Ньюкасл касаллигига қарши эмланган паррандаларда шаклланган иммунитет фаоллигини ўрганиш натижалари**

T/p	Паррандачилик фабрикаси, фермаси номи	Бўлим, цех, бино	Текширилган паррандалар сони	Аниқланган антитаначаларнинг ўртacha титри ва титрлар тебраниши	Гурухда иммунитет даражаси
1	“Агалик Ломани” парранда фабрикаси	4	24	1:36,92 1:0-1:256	1:36,92
2		2	18	1:53,67 1:2-1:256	1:53,67
3		3	23	1:25,04 1:0-1:128	1:25,04
4	“Мароканд” парранда фабрикаси	14	10	1:92,00 1:8-1:152	1:92,00
5		13	10	1:240,00 1:8-1:1024	1:240,00
6	“АООТ парранда” МЧЖ	15	25	1:286,72 1:64-1:512	1:286,72
7		19	25	1:20,24 1:0-1:32	1:20,24
8		39	25	1:108,16 1:4-1:512	1:108,16
9	“Чўпон ота” парранда фабрикаси	1	24	1:853,33 1:512-1:2048	1:853,33
10	Каттакургон „Ориён” паррандачилик фабрикаси	1	25	1:36,32 1:0-1:256	1:36,32
11	Тайлоқ туман “Богизагон-фермер”	1	13	1:230,30 1:0-1:1024	1:230,30

хўжалигига жуда катта иқтисодий зиён келтирадиган касалликлардан биридир. Фақат ушбу муаммонинг ёчими паррандаларни ўз вақтида Ньюкасл касаллигига қарши вакцинация қилиш ҳисобланади. Шу сабабли вакцинация қилинган паррандаларда ушбу касалликка қарши шаклланган иммунитет даражасини аниқлаш, иммунитети пасайган фермаларда дарҳол иммунизация ўтказишни ташкиллаштириш Ньюкасл касаллигининг олдини олиш имконини беради. Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, ўз тадқиқотларимизда Самарқанд вилоятининг 6 та паррандачиликка ихтисослашган фабрикаларида ва шунингдек кичик шахсий фермер хўжаликларида Ньюкасл касаллигига қарши “Ла-сота” вирус вакцинаси билан эмланган паррандаларнинг кон зардобларида вакцинанинг иммуноген фаоллигини текшириш мақсад қилиб кўйилди.

Ньюкасл касаллиги вирусининг “Ла-Сота” штаммидан тайёрланган курук вирус вакцина интраназол усул билан ушбу касаллик бўйича соғлом хўжаликларда қўлланилади. Ньюкасл касаллигининг олдини олиш учун соглом хўжаликлarda жўжалар 20-25, 45-60, 140-150 кунлигига, кейинчалик ҳар 6 ойда бир марта ушбу вакцина билан эмлаб борилади. Бурунга 2 томчи вакцина томизишдан олдин сув ичирилади. Вакцинациядан 1,5 соат ўтгач жўжаларга сув бериш мумкин. Вакцина сув билан

ициирлганда 500 назал дозаси 1 л дистилланган сувда эритилиб, 2 кун эрталаб, ҳар бир жўжага 5 мл дан берилади. Иммунизация ўтгач, 1-1,5 соатдан кейин озуқа ва сув беришга рухсат этилади. Иммунитет 7-8 кундан сўнг пайдо бўлади ва 6 ой давом этади.

Текшириш учун Самарқанд вилоятининг бир неча паррандачилик хўжаликлидаги цех, бўлим ва ҳар хил корпус ва биноларида сақланётган паррандалардан танлов асосида кон зардобларида Ньюкасл касаллигига қарши юқоридаги усусларда эмланган паррандаларда иммунитет фаоллигини ўрганилди ва бу тадқиқотлар натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Ньюкасл касаллигига қарши эмланган паррандалар кон зардобида шаклланган антитаначалар титри гемаглютинациясини тўхтатиш реакцияси аниқланди.

Бунда ГАТР реакцияси 2 босқичда: асосий реакцияни кўйиш ва антигенни ГАРда титрлаш ўтказилди.

Антигенни 2 баробар 1:2 дан 1:4096 гача аралаштирилиб суюлтирилади, бунинг учун плексоқўзли пластиналарнинг барча чуқурчаларига 0.25 мл дан физологик эритма қўйилади. Биринчи чуқурчага 0.25 мл вирус солинади. Аралаштириб, иккинчи лункага ва ҳ.к ўтқазилади охирги чуқурчадан 0.25 мл аралашма олиб ташланади. Ҳар бир чуқурчага 0.25 мл 1% ли товуқ эритроцитлари кўшилади, чайқалади ва хона ҳароратида 35-40 дақиқа

қолдирилади. Эритроцитларининг чўкишига қараб +++ дан + гача баҳоланади

Учта хоч (+++) реакция чуқурча бўйлаб четлари пушти рангли соябонча ҳосил қиласди. Иккита хоч (++) реакция интенсивлиги аглютинацияланган эритроцитлар чуқурча деворларида ипли кўринишга эга бўлади. Битта хоч (+) реакция чуқурчада сезилмайдиган аглютинация кўринишига эга бўлади. Манфий реакция (-) назоратдаги каби тутгамча кўринишида бўлади.

Гемаглютинацияловчи вирус титри ёки битта гемаглютинурувчи бирикма (1 ГАЕ) учун аниқ намоён бўлган эритроцитлар аглютинацияни берувчи иккি ходдан (++) аралашма қабул қилинади.

Масалан, аниқ намоён бўлган гемаглютинация 1:64 аралашмада олинган (1 ГАЕ) яни 0,25 мл бирикма саклайди. ГАТР ни кўйиш учун асосий реакцияни кўйишда ишлатиладиган вируснинг ишчи дозаси 0,25 мл га 4 ГАЕ олиш зарур, бизнинг мисолда у (64:4=16) ни ташкил этди.

Вируснинг 0,25 млда 4 ГАЕ сакловчи ишчи аралашмасини тайёрлаш учун шу вирусдан 1 мл олинниб 15 мл физиологик эритма кўшилган антигеннинг танлаб олинган ишчи миқдорини фактат бир кун давомида ишлатиш мумкин.

Гемаглютинацияни тўхтатиши реакциясини кўйишдан олдин вируснинг танланган ишчи миқдори (4 ГАЕ) текширилди. Бунинг учун бир қаторнинг 4 та чуқурасига ва иккинчи қаторнинг учта чуқурасига (назоратдаги) 0,25 физиологик эритма кўйилади ва 4 та лункачанинг биринчи чуқурасига 0,25 мл вируснинг ишчи миқдори кўйилади, аралаштирилади янги пипетка билан иккинчи чуқурчага ва ҳ.к. ўтказилади.

Охирги чуқурчадан 0,25 мл аралашма олиб ташланади. Ҳар бир антигенли ва назоратдаги чуқурчага 0,25 мл дан 1 % ли товук эритроцитлари кўшилади. Яхшилаб аралаштирилади ва хона ҳароратида 30-45 дақиқа инкубацияга қолдирилади. Реакцияни ҳисобга олиш назоратдаги эритроцитлар чўккандан сўнг ўтказилади. Вируснинг ишчи миқдори тўғри танланганда (4 ГАЕ) биринчи ва иккинчи чуқурчаларда тўлиқ гемаглютинация, учинчисида ҳар жойида (+), тўртингисида манфий натижани бўлиши кузатилади.

**Гемаглютинация реакцияси (ГАТР).** Реакцияни кўйиш учун стандарт планшетнинг барча чуқурчаларига 0,25 мл физиологик эритма куйилади, кейин биринчи

Аралашмани  
суюлтириш  
нисбати

1:10    1:20    1:40    1:80    1:160



1-расм: Аралашмани суюлтириш нисбати ва жавоб реакциясидаги чўкма кўриниши.

чуқурчага 0,25 мл текширилаётган зардобдан солинади. 3 марта аралаштирилиб, ундан 0,25 мл аралашма пипетка ёрдамида иккинчи чуқурчага ва шу тартибда кейинга чуқурчаларга ўтказилади. Охирги ўн иккинчи чуқурчага олдин чуқурчадан аралашма солинмайди ва назорат вазифасини бажаради. Шундан сўнг барча чуқурчаларга (4 ГАЕ) вируснинг ишчи аралашмасидан солинади. Планшет чайқатилади ва 30-45 дақиқа зардоб билан вирус қотганидан сўнг ҳар бир чуқурчага 0,5 мл 1 % ли эритроцит суспензияси қўшилади ва 30 дақиқа давомида инкубация қилинади ва натижаси ҳисобга олинади. Зардобда антитаначалар бўлса, шу чуқурчадаги гемаглютинация жараёни тўхтайди. Эритроцитлар чўкма ҳосил қилиб, тутгамча кўринишида чўкади. Серологик реакциялар натижалари журналга қайд этилади.

**Хулоса.** Паррандачилик хўжаликларида Ньюкасл касаллигига қарши “Ла-сота” вирус вакцинаси билан эмланган паррандаларнинг қон зардобрарида вакцинанинг иммуноген фаоллигини гемаглютинацияни тўхтатиши реакциясида текшириш – ветеринария мутахассисларига ушбу касалликка қарши гурӯҳ иммунитети тўғрисида аниқ объектив маълумотлар беради.

Ушбу реакцияда эмланган 80% паррандаларда титр 1:10 да кам бўлмаса, иммунитет етарли дея қабул қилиниши мумкин.

Бизнинг тадқиқотимиз натижасида паррандаларнинг эмлангандан сўнг иммунитет титрлари 1:10 дан юқорилиги аниқланди ва эмлаш ишларининг сифатли эканлиги тасдиқланди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Бессарабов Б.Ф., Вашутин А.А., Воронин Е.С. ва б. Тахрирчи Сидорчука А.А. Инфекционные болезни животных – Москва 2007. 444-447-ст.
- Бессарабов Б.Ф., Мелникова И.И., Сушкива Н.К., Садчиков С.Ю. Болезни птиц. – Санкт-Петербург-Москва-Краснодар, 2007. – С.24-35
- Давлатов Р.Б., Салимов Х.С. Парандачиликда ўтказиладиган тадбирлар // Ж. “Зооветеринария”. -Ташкент, 2008. – №8. – С.7-8.
- Салимов Х.С., Камбаров. Эпизоотология, дарслик. – Ташкент, 2016. – Б.475-481.
- Ситковская А.О., Златник Е.Ю., Новикова И.А., Кит О.И. Вирус болезни Ньюкасла и иммунитет – эффективный альянс в борьбе против рака (обзор литературы). Сибирский онкологический журнал. 2018; 17 (6): 105–113. – doi: 10.21294/1814-4861-2018-17-6-105-113.
- Сюрин В.Н., Белоусова Р.В., Соловьев Б.В., Фомина Н.В Методы лабораторной диагностики вирусных болезней животных. – Москва, Агропромиздат, 1986.-С.230-240.
- Ниязов Ф.А., Маркова С.И. Система мероприятий по борьбе профилактике Ньюкаслской болезни птиц. – Ташкент, 1996.-30c.
- Интернет манба <https://myslide.ru/presentation/sovremennyj-vzglyad-na-vakcinoprofilaktiku-v-promyshlennom-pticevodstve>

## ҚҮЁНЛАР ҚОНИНИНГ МОРФОЛОГИК ВА БИОКИМЁВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

### Аннотация

Мақолада Ўзбекистон шароитида она қуёнларнинг қон кўрсаткичларини ўрганиши натижаси ва улардан фойдаланиб қуёнларни ушилаш ва қўпайтириши тавсиялари берилган. Тажрибаларда ўтказилган икки усуlda ҳам қоннинг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичлари натижалари физиологик меъёrlарда эканлиги аниqlанди.

### Annotation

In the article, the results of the study of blood indicators of mother and baby rabbits in the conditions of Uzbekistan and recommendations for catching and breeding rabbits using poles are given. The results of morphological and biochemical indicators of raw blood in two methods conducted in the experiments were found to be within the physiological norm.

**Калим сўзлар:** қуёнлар, зотлар, қон, гемоглобин, гематокрит, лимфоцит, концентрация, эритроцит, физиология, биохимия, зотдорлиги.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сонли “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги” қарори ва унга илова қилинган дастурнинг 7-банди “Күёнчилик тармоғини янада ривожлантириш ҳамда кооперация тизими асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қўпайтириш”га мувофиқ сифатли пархезбоб қуён гўштини мамлакатда ишлаб чиқариш, истеъмол килиш даражасини кўтариш ҳамда республикада умумий гўшт маҳсулотлари ҳажмида унинг улушини ошириш назарда тутилмоқда.

Юртимизда юкори маҳсулор қуёнлар подалари ни яратища кўёнчилиги ривожланган мамлакатларнинг наслли қуёнларини Ўзбекистонга олиб кириб, маҳаллий зотлар билан чатиштириш орқали уларнинг юкори маҳсулдорлик хусусиятларини бир-бирига ўтказиб қуёнчилик маҳсулотларини қўпайтириш имкониятларини оширишда муҳим амалий аҳамият касб этади. Бу илмий тадқиқотларда четдан олиб келинган юкори маҳсулдорликка эга қуёнлар ва турли касаллик ва иссиқликка чидамли маҳаллий қуёнларнинг дурагайла-ридан келажақда сермаҳсул маҳаллий қуёнлар подаларни яратиш имконини беради. Бунда қуёнларниг ота оналиқ формалари ва шунингдек улар авлодларининг қонларини морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларини доимий ўрганиш ва улардан фойдаланиш Ўзбекистон шароитида

қуёнларни ирсий жиҳатдан такомиллаштиришда унинг интенсивлигини ошириши мумкин.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Табиатдаги ва уй қуёнлари ҳайвонот оламининг товушқонлар гурухига мансуб бўлиб, уларнинг гўшти ҳалоллиги, пархезбоплиги йил давомида қўпайиши хусусияти ва урғочи куён тукқанидан кейинги кун яна уруғланиши мумкинлиги сабабли улардан йил давомида самарали фойдаланиши мумкинлиги тўғрисида адабиётларда қўргина маълумотлар мавжуд.

Куён тез ривожланади ва унда бўғозлик даври ўртacha 30 кун давом этади; маҳаллий урғочи қуён бир туғишида 6-10 тагача, чет элнинг маҳсулдор қуёнлари эса 13-15 тагача бола бериши мумкин. Қуёнчалар тусиз ва кўр туғилади ва биринчи ой факатгина она сути билан озиқланади. Куён сути тўйимли бўлади ва унда 27% ёғ, 15% оқсил, 2 % гача қанд бўлади. Куён болалари туғилганда 40-50 г тирик вазн билан туғилади. Жинсий фаолликка ўрта вазнга мансуб қуён зотлари 4-5 ойликда, иирик зотга мансуб қуён зотлари эса 5-6 ойликда етишади. Қуённи гўшт учун сўйиш вазни зотига қараб 8 ойликда маҳаллий қуёнлар 3 кг дан 7 кг гача, импорт қилинганлари 8-20 кг гача бўлади.

**Материаллар ва усуллар.** Тадқиқотларда Тошкент вилояти Қибрай туманидаги “Күёнчилик селекцияси ва генетика маркази”нинг қуёнчилик тажрибаси биносида маҳаллий популяцияга мансуб қуёнларнинг қони таркиби ўрганилди.

### 1- жадвал.

#### Маҳаллий урғочи қуён болаларининг қони биокимёвий ва морфологик кўрсаткичлари (n=10)

Кўрсаткичлар	Жинси	Зотдорлиги	Гемоглобин, %	Эритроцитлар, мил/мл <sup>3</sup>	Лейкоцитлар, минт/мл <sup>3</sup>	Ca, мг %	P, мг %
Жами	урғочи	маҳаллий	71,5	5,45	6,78	5,4	7,26
Ўртacha	-	-	71,5	5,45	6,78	5,4	7,26
Sx=	-	-	1,128	0,17	0,10	0,092	0,083
Cv %	-	-	4,9	9,6	4,6	5,3	3,6

**Үргочи қуёнлар қон таркибининг морфологик қўрсаткичлари (15)**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги символикаси	Меъёри	Ўртача кўрсаткич	Cv , %
Лейкоцитлар сони	WBC	5-12,5	9,04±0,29	12,5
Лимфоцитлар сони	Lymph#	30-85	53,05±1,32	9,6
Эритроцитлар сони	RBC	5-8	5,64±0,33	22,4
Гемоглобин концентрацияси	HGB	17-24	20,2± 0,59	11,2
Гемокрит	HCT	33-50	38,70±0,97	9,7
Эритроцит хажми	MCV	29-37	33,74±0,89	10,2
Эритроцитли гемоглобин	MCH	17-24	19,3±0,50	10,0
Тромбоцит	PLT	2,5-6,5	4,24±0,24	21,5

Қуёнчилик селекцияси ва генетика марказига олиб келинган маҳаллий популяциядаги қуён болаларининг қон таҳлили Тошкент вилоятининг Қиброй туманига карашли Ҳайвонлар касаллуклари ташхиси ва озиқовкат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази лабораторияси ва “Қуёнчилик селекция ва селекция марказида қоннинг гематологик ҳамда биокимёвий таркиби қабул килинган ветеринария услубларида ва янги замонавий лаборатория ускунасида ўрганилди.

Тажрибамизнинг асосий вазифаларидан бири қуёнлар қонининг гематологик ва биокимёвий таркиби қўрсаткичига қараб, уларни ташки муҳитга мослашувчанлиги, тўла қўйматли озиқлантиришнинг қоннинг гематологик, биокимёвий қўрсаткичларига ҳамда резистентлиги, (чидамлилик даражаси) ташки муҳитга мослаша олишини баҳолаш бўлди (1-3 жадвал).

Ўтказилган таҳлилларда қуён болаларида уларнинг қонидаги эритроцит ва лейкоцитлар миқдори меъёрлардан унчалик катта фарқланмаслиги ва бу ўзгаришлар унинг меъёрлар доирасидалиги аниқланди ва қон таркибидаги ўртача қўрсаткичи: эритроцитлар -  $5,45\pm0,17$ -мил/мл<sup>3</sup>дан  $5,43\pm0,08$  млн/мл<sup>3</sup> ни ёки бўлмаса 0,37% ни ташкил қилди, лейкоцитлар -  $6,78\pm0,10-5,22\pm0,06$  минг/мл<sup>3</sup> ни ташкил қилди.

Қуён қон таҳлили гематологик қўрсаткичлар, параметр ўлчов бирлиги, гемоглобин нормаси г/л 10,5-16, гематокрит 35-48 %, эритроцитлар 106/мл 5,2-7,8, лейкоцитлар  $10^3$ /мл 2,6-9 ташкил этди.

Қондаги ўзгаришлар қўрсаткичи лейкоцитлар WBC миқдори ўртача 8,7 ни ташкил қилиб, стандарт даражаси

сининг юкори даражасига яқинлашган, лейкоцитлар даражасининг min 7,25 max11,7 ташкил қилди.

Гемоглобин МЧС миқдори past 8,2, min даражасидан 18% га кам бўлиб, бу қўрсаткич қон таркибида гемоглобин миқдорининг камлиги айrim ҳолларда қуёнлар қон айланишининг бузилишига, буйрак анемиясига сабаб бўлади. Қондаги гематокрит НСТ қўрсаткичи ўртача 35,6 min, 32,5 max 42,4, айrim қуёнлар қонида стандартнинг куий чегарасига яқинлашганини кўриш мумкин, бу эса улар организмида сувсизланиш, қон айланишининг етишмовчилиги, сурункали юрак етишмовчилиги каби асоратларни көлтириб чиқариши мумкин. Лимфоцитлар сони Lymph# min 46,8 max 62,7, гемоглобин концентрацияси min17,4 max 21,6, қон таркибидаги гематокрит HGB миқдори min 32,5 max 44,1, эритроцитлар хажми қўрсаткичи MCV min 23,8 max 42,4 эритроцитлар таркибидаги гемоглобин ўртача min16,4 max 22,1 ташкил қилиб, айrim тажрибадаги қуёнларнинг ўртача сонида барча қўрсаткичлар физиологик нормада эканлигини қўрсатди.

3-жадвални таҳлил килганимизда, қондаги гемоглобин миқдори маҳаллий үрғочи популяциядаги ёш қуёнларда ўртача  $71,5 \pm 1,128$  г/% ни, эркак қуён болаларида  $72,3 \pm 1,075$  г/% ни ташкил қилди. Тажриба бошида қон таркибидаги гемоглобин миқдори 1,1 % фарқ қилиб, катта фарқ бўлмади. Кондаги эритроцит ва лейкоцитлар миқдори эса иккала жинсдаги қуён болаларида унчалик катта ўзгаришлар сезилмаганлигини, уларнинг ўртача қўрсаткичи қон таркибидаги эритроцитлар миқдори  $5,45\pm0,17$ -дан  $5,43\pm0,08$  минг/мл<sup>3</sup> ни ёки 0,37 %-ни ташкил қилди.

**3-жадвал.****Маҳаллий үргочи қуён болалари қонининг морфологик ва биокимёвий қўрсаткичлари, n=10**

Кўрсаткичлар	Жинси	Зотдорлиги	Гемоглобин, %	Эритроцитлар, млн/мл <sup>3</sup>	Лейкоцитлар, минг/мл <sup>3</sup>	Ca, мг %	P, мг %
Жами	Үргочи	Маҳаллий	71,5	5,45	6,78	5,4	7,26
Ўртача	-	-	71,5	5,45	6,78	5,4	7,26
Sx=	-	-	1,128	0,17	0,10	0,092	0,083
Cv %	-	-	4,9	9,6	4,6	5,3	3,6

кил қилди, лейкоцитлар микдори  $6,78\pm0,10$ - $5,22\pm0,06$  минг/мл<sup>3</sup> ни ташкил қилди. Қон таркибидаги кальций микдори ўртача 5,4 мг %, фосфор эса, 7,26 мг % ташкил қилиб, қуёнларнинг гематологик кўрсаткичлари физиологик меъёр даражасида бўлди.

**Хулося:** 1. Ўзбекистон шароитида ўтказилган қон тахлиларида олинган натижаларга асосланниб, қуёнларни иссиқ, мақбул шароитларда катакларда кўпайтириш мумкин. Бунда олинган натижаларнинг асосий қисмида Су 10 кам бўлиши унинг ўзгаришлари мақбул ушлаш шароитларида кам бўлиши тасдикланди.

2. Ўзбекистон шароитида ўтказилган қон тахлиларида натижалари қуёнларнинг озиқлантирилишини меъёларга мувофиқ ташкиллаштириш ва уларнинг рационлари таркибига етишмаётган тўйимли моддалар, минераллар ва витаминли озуқалар ҳамда озуқавий қўшимчаларни қўшиш зарурияти борлигидан далолат беради.

3. Тажрибамизга қўйилган асосий вазифаларидан бири қуёнлар қонининг биокимёвий таркиби кўрсат-

кичига қараб, уларни ташки мухитга мослашувчанилиги, тўла қийматли озиқлантиришнинг қоннинг гематологик, биокимёвий кўрсаткичларига ҳамда резистентлиги, чидамлилик даражаси, ташки мухитга мослаша олишига баҳо беришда анъанавий ва замонавий тахлил усулларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

**Фойданалингган адабиётлар рўйхати:**

1. Александров С.Н., Косова Т.И. «Кролики: Разведение, выращивание, кормление». – М.: «Астрель», 2012.
2. Балакирев, Н.А. Кролиководство/ Н.А. Балакирев, Е.А. Тинаева, Н.И. Тинаев, Н.Н. Шумилина. – М.: КолосС, 2013 - 231 с.
3. Берестов В.А. Звероводство. СПБ.: «Лань», 2012г.
4. Житникова Ю.Ж. «Кролики: породы, разведение, содержание, уход». – Ростов н/Д: «Феникс», 2014. – 256 с.
5. Разведение кроликов / сост. А.Ф. Зипер. – М: ACT; Донецк: Сталкер, 2013.
6. Хохрин, С.Н. Кормление сельскохозяйственных животных. - М.: КолосС, 2013 - 687 с.

**ТАВСИЯВИЙ МАҚОЛА****С.У.Туляганов,**

*Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириши қўмитаси  
Сертификация ва стандартлаштириши бошқармаси бошлиги;*

**М.А.Балиев,**

*Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириши қўмитаси Давлат  
ветеринария назорати бошқармаси бошлиги ўринбосари*

**ОТЛАРНИНГ МИОЗИТ КАСАЛЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА  
УМУМИЙ ТАВСИЯЛАР**

Отларда миозит касаллигининг келиб чиқиши асосан жисмоний зўриқиши оқибатида мушакларнинг ўтқир яллиғланиши натижасида бўлиб, “Душанба касаллиги” деб ҳам юритилади.

Касалликнинг ушбу шакли биринчи навбатда – жисмоний машқлардан узоқ вақт танаффусдан кейин (кўп вақт минилмаган), кўп куч сарфлашга тайёр бўлмаган отларда меъёридан ортиқча жисмоний машқлар (зўриқиши) оқибатида юзага келади. Шунингдек, нотўғри ва тартибсиз кучли жисмоний машқлар таъсирида ҳам ривожланади.

Бундан ташқари, миозит касаллиги бу мушакларнинг яллиғланиши ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида улар кўпинча турли хил шикастланишлар, шунингдек, аллергик ва ревматоид генезис билан содир бўлади. Кечиши давомида ўтқир ва сурункали миозит ажralиб туради. Шунингдек, мушаклар ва

мушаклараро тўқималарнинг йирингли яллиғланиши ҳайвонларнинг барча турларида, кўпинча қорамол, чўчқа, отларда учрайди. Стафилококклар, стрептококклар таъсири билан юзага келади.

Конда электролитлар етишмовчилиги, Е витамини ва селен концентрациясининг камайиши ҳам отларда миозит касаллигига олиб келиши мумкин.

Миозит касаллиги совук ва нам ҳаво шароитида тез-тез учрайди. Биринчи навбатда, орқа оёқлар мушаклари заарланади (шишади, оғрийди).

Миозит касаллигини қўшимча омиллар ҳам келтириб чиқариши мумкин. Хусусан, отларни углеводларга бой бўлган омухта озуқалар (*донли озуқалар*) билан жисмоний фаолликсиз узоқ муддат давомида озиқлантириш сабаб бўлади. Оқибатда, мушаклар ва жигарда гликоген моддаси тўпланади, улар кучли жисмоний машқлар остида парчалан-

май қолади. Шу билан биргә, мушак толаларининг “дегенерацияси” (яъни - сусайиш, ишдан чиқиши) ва организмда кислород етишмаслиги кузатилади. Кейин организмда миоглобин ажралиб, у қонда ва сийдикда пайдо бўлади. Оқибатда ўткир буйрак етишмовчилиги содир бўлади, бу эса отнинг тўлиқ ҳаракатдан қолишига сабаб бўлади.

**Клиник белгилари ва ташхислаш.** Скелет мушакларининг ўткир яллиғланиши отнинг таянч-ҳаракат тизими фаолиятининг жиддий бузилишлари билан тавсифланади.

Яллиғланиш одатда кучли жисмоний машқлардан (от пойгаси, турнир ёки мажбурий машғулотлар) сўнг бирданига ривожланади.

Отларда кучли оғриқ белгилари намоён бўлади. Яллиғланиш даражасига қараб кучли терлаш, титроқ, бўйин ва бел мушакларида қаттиқлик, безовталик ёки назоратсиз ҳаракатлар пайдо бўлади. Тананинг орка қисмида ҳаракат сусаяди. Энг оғир ҳолатларда отлар ўзини ташлайди. Ўткир мушак яллиғланиши ҳолатида отларда харорат, пулс, нафас олиш тезлиги ошади. Отлар тез-тез ва кам микдорда сийдик чиқаради, сийдик ранги тўқ тусда бўлади.

Лаборатория текширувлари кон зардоби таркибида сут (молочный) кислотаси ва барча мушак ферментлари (аспартатаминотрансфераза, креатинкиназа ва лактатдегидрогеназа) кўпайганини кўрсатади.

Миозит билан касалланган отларда кўпинча мушаклар атрофиясига учрайди. **Яъни – мушак толаларининг юпқалашини ва мушаклар умумий ҳажмининг камайини “озии, тортилиши”**) Отлар кам ҳаракат бўлиб қолиши, ўткир ҳолатларда сурункали буйрак етишмовчилиги муаммолари содир бўлиши мумкин.

Энг ёмони, кўпинча бу ҳолат от эгалари томонидан касаллик деб хисобланмайди. Бу факат отнинг хулк-авторидаги муаммолар ва ишлашни истамаслик деб баҳоланади.

**Даволаш ва олдини олиш чоралари.** Ўткир миозитни даволашда биринчи навбатда, жисмоний ҳаракатлар тўхтатилади. Отда қаттиқ оғриқ пайдо бўлиши биланоқ катта микдорда аналгетиклар ва яллиғланишга қарши ветеринария дори воситалари кўлланилади.

Миозит касаллигининг қайси босқичда эканлигига ва отнинг умумий физиологик ҳолатига боғлиқ тарзда асосий даволаш протоколи симптомларига қараб олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Миозит касаллигининг ўткир формасидан сўнг скелет мушакларининг тикланиши 4-8 ҳафта давом этиши мумкин. Реабилитация босқичида массаж, физиотерапия, гидротерапия ва яллиғланишга қарши



малҳамлар кўлланилади. Бу усуслар мушакларда кон айланишини яхшилаш, оғриқ ва спазмни камайтиришга қаратилган бўлади. Отларга кўпроқ сув ичиш имконияти берилиш ва етарлича ош тузи берилиши лозим. Отлар аста-секин машғулотларга қайтарилади.

Машғулотлар доимий бўлиши лозим, юклама аста-секин оширилиб борилади. Иссиқ ва нам қунларда жисмоний машқларга алоҳида эътибор қаратилади, чунки бу вақтда энергия захираларининг тез камайиши ва тер билан суюқлик ва электролитлар йўқотилиши ортади.

Нотўғри ва тартибсиз кучли жисмоний машқларнинг олдини олиш лозим.

Таркибида углеводлар микдори юқори бўлган омухта озуқаларни имкон қадар кечкурун берилмаслиги, шунингдек, озуқа микдорлари меъёрини бирдан оширмаслик керак.

Отларда стрессли вазиятларнинг олди олиниши лозим. Салқин ҳаво шароитида ҳар доим от ёпингич билан ёпиқланган бўлиши унинг совуб қолишига йўл кўймаслик керак.

Отлар рационларида етишмаган организм учун зарурий витаминлар ва электролитлар билан доимий таъминлаб борилиши лозим. Агар от аввал бир марта ушбу касалликка чалинган бўлса, кейинги қайтарилишдан жуда эҳтиёт бўлиш керак.

Кун давомида от бир жойда ҳаракатсиз туриб қолмаслиги, имкон қадар доим юриши лозим.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ковач М. “Ортопедические заболевания лошадей, современные методы диагностики и лечения.” Москва ООО “Класс Элита” 2017 йил.
2. Андреевский И.С. “Книга о болезнях лошадей” Москва “Либроком” 2012 йил. 532-б.
3. Гаусслер К.К. “Дополнительные методы лечения скелетно-мышечных заболеваний” Москва “Аквариум-Принт”, 2007 йил. 623-628-б.

## ИШЛАЙМАН ДЕГАН БАХОНА ҚИДИРМАЙДИ



Мирзачұл тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Саврон Шарифуллаевнинг эътироф этишича, ҳайвонлар ва одамларга ҳос бўлган хавфли касалликларга қарши курашда эмлаш занжирига эътибор қаратишнинг аҳамияти бекітсіл. Айни чоғда тумандаги 5 та ветеринария участкасида самарали меҳнат қилаётгандар мутахассислар ҳар бир қишлоқдаги хонадонларга бирма-бир кириб, канча корамолу қўй-эчки, паррандаю ит ва мушуклар бор, ҳаммасини қайта ҳисоб-китоб қилишмокда. Эмлаш ишларига бўлимдаги тажрибали ходимлар ҳам жалб этилган. Мутахассислар сигир ва гунажинларни сунъий уруғлантиришнинг аҳамиятнини ҳам тарғиб этишмокда. Илгари ветврач чакирган одамнинг уйига борар, кунига уч-тўрт “чакирик” билан кифояланар эди, маҳаллабай, хонадонбай ишлап тизими жорий этилгач ветврач маҳалла раисиу ҳоким ёрдамчисидан ҳам кўпроқ юрадиган бўлиб қолди. Бир сўз билан айтганда ветврачнинг том маънода ҳаловати йўқолди ва бундан у яхшигина манфаатдор. Масалан, “Боғбон” ветучастка мудири Русул Тожиев ҳамкаслари Рашид Абдураимов, Сардор Жумабоев билан тонг отмасданоқ ишга отланади. Эпизоотолог Исройл Жумабоев эса бугун қайси ветучастуа мудири ўз шогирдлари билан қайси худудда ва қанча хонадонда бўлади, барини режалаштириб назорат қилмоқда. У берган маъмурларга кўра, бугун тумандаги 450 та

хонадон бор, корамоллар бош сони 44 минг, қўй-эчкилар 65 минг бошдан ортиқ. Бунга отлару туялар, итлару мушукларни кўшадиган бўлсанк ветврач сифатида давлатдан маош олаётган 21 нафар мутахассиснинг ҳар бирига неча бошдан жонивор тўғри келишини хом чўт қилиш кийин эмас.

– Менимча, ветеринария соҳасида штатларни қисқартириш эмас, балки кенгайтириш бўлиши керак. Мутахассислар учун белгиланган маошлар ҳам бизга ўхшаб меҳнат қиласидан СЭС деган идора ходиминикидан анча паст. Яширишни ҳожати йўқ, ветврачни эл бокаяпти, бирор киши молим касал деса боради, даволайди, уч-тўрт сўм пулини олади, маош қачон келаркин деб кутиб ўтиримайди. Ветучастка мудирлари ва унинг ёнидагилар учун бу бир кулайлик. Аммо идорада ё ташхис марказида ишлаган, эрталаб келиб кечқурун уйга қайтадиган кишилар бироз қийналиб қоляпти. Ишга кираман, деб ветбўлимга келган ёшлар ойлик маош миқдорини эшитгач, кам-ку, кўчада марди-корлик қиласам ҳам бундан кўпроқ топаман-ку, дейди. Шу боис маошлар ҳеч бўлмаганда икки карра кўтарилиши керак, – дейди мирзачўллик ветврачлар.

Саврон Шарифуллаев кейинги йилларда тумандаги чорвачиликни ривожлантиришга туман ҳокими Шерзод Аҳмедов, туман кенгаши депутатлари жиддий эътибор қаратаётганини ҳам таъкидлаб ўтди. Бирор йиғилиш йўқки, туман ҳокими корамол кўпайтириш, қўй-эчки бошини тарғиб этмасин. Ёшлар орасидан чорвадор фермерлар ҳам етишиб чикяпти. Шу боис айни чоғда чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари сони 73тага етди.

– Мирзачўлда ер кўп бўлсада, сув таъминоти осон эмас. Шу боис аҳоли билан сухбатлашган маҳал гидропоника асосида озуқа етишириш, томчилаб сугориш орқали дехқончиликни йўлга кўшишни тарғиб этяпмиз. Менимча бу усуслар эртами кечми республикамизнинг барча жойларида жорий этилади. Буни даврнинг ўзи талаб этяпти. Ахир биргина гидропоника хосияти туфайли бир кило озуқа бир хафтада 5 карра кўпаяди, ақлни ишлатган одам кичик бир жойда узлуксиз буғдой ўстириб уч-тўрт бош эмас, юз-икки юз бош жониворни бемалол бокиши мумкин. Буни интернетда кўрятмиз, ўқиятмиз. Қолаверса, давлат ажратиётган субсидиялар ҳам қишлоқ хўжалигига инновацион янгиликларни тезроқ жорий этишга турткни беради. Фақат дангасалик қиласилик керак, – дейди Саврон Шарифуллаев.

– Келгусида ўзим ҳам боболарим шуғулланган баракали соҳа қўйичиликка кўл урсам, жониворларим юз бошдан ошса гидропоникини йўлга кўяман. Ана шунда фарзандлари улғайиб набиралари илм олиши кўзлаётган инсон сифатида имкониятларим янада ошади.

**Сардорбек Алиқулов**

